



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ШЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИННИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТИЗИМЛИ  
ТАҲДИД АСОСЛАРИ

Ўқув-услубий мажмуа

2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ” ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ  
АСОСЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2019 йил 2019 йил 2 октябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув  
режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДАУ “Олий математика, физика ва кимё” кафедраси профессори Б.Сапаев  
ТДТУ “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, ф.ф.д. Р.Самаров

**Тақризчи:** Япония Осока Университети профессори Катсухиро Накомура

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети  
Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_ -сонли қарори билан нашрга тавсия  
қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>38</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>46</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>51</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>52</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>56</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР Кириш

Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ҳодиса, жараён, рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда таҳлилнинг тури ва таҳлилнинг методлари вужудга келди. Негаки, ҳарқандай муаммони ечимини белгилашда, вужудга келган X-визитларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади.

Таҳлилни амалга ошириш учун таҳлил методлари танланиб, бунда қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш, алоҳида вазиятларни шарҳлаш, моделлаштириш, прогноз кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Таҳлил, нафақат бошқарувни амалга оширишда, балки ижтимоий ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан амалга оширилади. Аммо, педагогик фаолиятда таҳлил илмий, илмий-педагогик, илмий-касбий(қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари бўйича) мазмун касб этиб, педагогик жараённи самарадорлигини ошириш учун хизмат қиласди.

Мамлакатимизда дастурий ислоҳотларни сифат босқичи таъминланётган бир даврда, мутахассисларни, шу жумладан аграр соҳадаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини таҳлилни амалга оширишнинг замонавий технологиялари билан таништириш амалий мазмун касб этади. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов “Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир” номли китобида “Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўрганиб бормоқдамиз”<sup>1</sup> деб, тараққиётни таъминлаш йўлида табиий тарзда юзага келадиган муаммоларни ўрганиб, мақбул усусларни танлашимизни кўрсатиб ўтганлар. Бу йўсинда, таҳлил ва унинг барча турлари алоҳида ўрин тутади.

Бунда албатта биз дунё аграр соҳа олийгоҳлари, биринчи навбатда дунё рейтингида юқори ўринларда турувчи ривожланган мамлакатлар олийгоҳлари тажрибаларидан фойдаланишимизга тўғри келади. Бир нечасини солиштириб – таққослаб бизга маъқул, мос келадиган тажриба ва ютуқларни ўзимизда қўллашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Гизимли таҳлил, таҳлил турини нисбатан янги ва самарали усусларидан ҳисобланиб, ўзининг методологиясига эгадир. Бунда, ҳар қандай масала (муаммо) яхлит тарзда (тизим шаклида) танланиб (идрок

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 98-99 бет.

этиб), барча хоссалари билан алоқадорлик даражаси аниқланади. Бу амал жуда мураккаб, алоҳида тайёргарликка эга бўлиш билан бирга тизим назарияси, тизимларнинг структураси, тизимости алоқадорлик қонунияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади.

Тизимли таҳлил этиш учун ҳар қандай объект танланиши мумкин. Масалан, электр узатиш линияларидан узоқда жойлашган фермер хўжаликларини Қўёш энергиясидан фойдаланиб ёритиш ва суғориш тизимини яратиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари уруғларини сифатини ошириш ва янгиларини яратиш ва бошқалар. Бунда ижтимоий, иқтисодий, маданий институтларни яхлит тарзда автоном танлаш мумкин. Лекин, уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш лозим бўлади. Тизимли таҳлил асосида бир кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. У, маъруза, тезис, ҳисбот, тавсиянома бўлиши мумкин. Агарда, танланган мавзу кенг бўлса, бу ҳолда мақола, рисола ва монография тайёрлаш мумкин. Лекин, бошқарувда, шу жумладан педагогик ва қишлоқ хўжалиги фаолиятида қарор қабул қилиш учун ҳам тизимли таҳлил амалий мазмун касб этади.

Тизимлар турли белгилари асосида техник, иқтисодий, маданий, казуал, мураккаб, гипермураккаб каби турларга ажратилиши мумкин. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда биринчи навбатда педагогик ёки илмий муаммо тўғри танланиши лозим. Иккинчи навбатда, таҳлил методлари ўринли (мақсадли) танланиши лозим, иложи борижга ўлчов бирлигига эга бўлган методлардан фойдаланиш лозим. Сўнгра жамланган маълумотларни алоқадорлиги ва дахлдорлиги бўйича гурухларга ажратиб, тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилни (бунда, тизим ости ҳам намоён бўлиши мумкин) белгилаб, уни фаолиятмандлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, тингловчиларга тизимли таҳлил асослари ҳақида вазиятли машқларни бажариш, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик ҳолатларнинг кечишини прогнозини амалга ошириш орқали маълумот бериш нафақат педагогик фаолиятни, балки педагогик тизимни такомиллашуви учун хизмат қиласди.

### **Модулнинг мақсад ва вазифалари:**

- тингловчиларга тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишда қўлланиладиган услублар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш;
- тингловчиларга тизим ва унинг турлари, тизимли таҳлилнинг мақсади ва тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ маълумот бериш;
- тингловчиларга тизимли таҳлилни жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўллаш тартиби ва олинадиган натижалардан таълим-тарбия жараёнида қўллаш йўлларини

кўрсатиш;

- тизимли таҳлил натижаларида илмий, педагогик ҳамда бошқарув фаолиятларида қўллашни мақбул жиҳатларини аниқ мисоллар воситасида очиб бериш;
- педагогик муаммони ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида юзага келадиган муаммоларни вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти, қарор қабул қилишда манфаатларни инобатга олиниши ҳақида маълумот бериш;
- тизимли таҳлил моделлари билан таништириб, педагогик фаолиятда уларни қўллаш учун техникасини ўргатиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

- турли педагогик вазиятларда таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда йўл тутиш;
- тизимли таҳлилни амалга ошириш учун, тадқиқот стратегиясини тўғри танлаш ва методларни белгилаш;
- тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш каби **билимларни эгаллаши лозим**;
- педагогик ва илмий фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириш;
- касбий фаолиятда(қишлоқ хўалигининг ҳамма соҳаларида) тизимли таҳлил этган ҳолда қарор қабул қилиш;
- таҳлил натижалари асосида манба тайёрлаш ва уни манзилга юбориш;
- олий таълим тизими учун ахборотларни таҳлилини амалга ошириб, манба тайёрлаш каби **кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак**;
- ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи таҳлил этиш;
- тизимли таҳлил натижаларига қўйиладиган талаблардан хабардор бўлиб, уни амалиётда қўллай билиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар:**

“Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил асослари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни кўрстатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шарҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги:**

“Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил асослари” модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълимтарбия жараёнини ва қишлоқ хўжалигини тизимли таҳлилини амалга ошириб, мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

		Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Мустақил таълим	
			Жами	Жумладан		
Модул мавзулари				назарий	амалий	машғулот
1	Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари. Педагогик фаолиятда ва қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил	2	2	2		
2	Аграр соҳада муаммони танлаш ва уни тизимли таҳлилини амалга ошириш. Қишлоқ хўжалигида инновация	2	2		2	

3	Педагогик ва аграр соҳа фаолиятида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси.	2	2		2	
	<b>Жами:14 соат</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>4</b>	

## **НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамоийиллар.**  
**Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари. Педагогик фаолиятда ва қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил .**

Тизим нима. Тизим таркиби, ҳолати ва ишлаши. Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тескари алоқа ва тизим классификацияси. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил. Модулнинг мақсади ва вазифалари. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Тизимли таҳлил услуби ва методологияси. Тизим ости элементларни алоқадорлик даражасини белгилаш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва қишлоқ хўжалиги тизимлари. Тизимлар классификацияси. Тизим генезиси. Тизим техникаси, вазият.

Бошқарув. Диагностик. Билиш. Белгиловчи каби вазифалар. Тизимли идрок тушунчаси. Таҳлилда объектни идрок этиш. Тизимли тафаккур. Тизимли таҳлилда хусусийлик ва умумийликнинг алоқадорлигини ажратиш. Тизим фаолияти ва тизими алоқадорлик. Тизим қонуниятлари ва ўзини ўзи такомиллаштириш. Тизимнинг коммуникатив характеристики. Тизим иерархияси.

Педагогик фаолиятда ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида таҳлилнинг тутган ўрни. Таҳлил турлари. Тизимли таҳлил. Тизим технологияси. Тизимли ёндашув ва тизимлаштириш. Тизимли таҳлилнинг структураси. Тизим чегараси. Тизим фаолияти ва тизимли алоқадорлик. Педагогик тизим ва унинг вазифадорлиги.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Аграр соҳада муаммони танлаш ва уни тизимли таҳлилини амалга ошириш. Қишлоқ хўжалигида инновация.**

**Режа:**

1. Қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш.
2. Қишлоқ хўжалигида инновация
3. Қишлоқ хўжалигида инновацион таваккалчилик(хавф).

### **1. Аграр соҳа муаммоларини ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш.**

Аграр соҳа муаммоларини ҳал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони белгилаш жараёни. Муаммони қўйиш ва қийинлиги даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш. Вазифани ечиш йўлларини танлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниқлаш. Прогнозни амалга ошириш. Натижаларни тадбик этиш.

### **2. Муаммони ечиш босқичлари.**

Муаммони тузилишини белгилаш. Муаммони ечиш жараёнининг мазмунни. Муаммони ҳал этиш босқичлари. Муаммони ечишда мақбул варинтни танлаш. Муаммо устида ишлаш. Муаммони ечиш.

### **3. Муаммо ечимини аниқлаш меъёрлари.**

Меъёр. Функционаллик. Тизим функцияси. Ечим бевосита муаммони бартараф этишга қаратилганлигини таъминлаш. Ечим муаммо ҳажмига тенг бўлиши. Меъёрий даражалар. Сон ва сифатни таъминлаш.

### **2-амалий машғулот: Педагогик ва аграр соҳа фаолиятида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси.**

#### **1. Қарор қабул қилишда ахборот омили.**

Қарор қабул қилиш тушунчаси. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Қарор қабул қилувчи шахс. Муаммо ва қарорни алоқадорлиги. Қарор қабул қилишда манфаатлар ва лобби гурухлар. Қарор қабул қилишда ресурсларни тўғри жалб этиш.

#### **2. Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобиллик.**

Қарор қабул қилишда муқобиллик. Мустақил ва мустақил бўлмаган муқобиллик. Қарор қабул қилиш меъзони тушунчаси. Меъзонлар бўйича баҳолаш. Микдорий ва сифатий баҳолар шкаласи. Абсолют шкала. Муносабатлар шкаласи. Интерваллар шкаласи. Сифат ўлчамлари шкаласи. Номинал шкала. Тартиб шкаласи. Ҳаррингтон шкаласи. Бошқарув жараёнида қарор қабул қилишнинг роли. Қарор қабул қилиш вазифаларининг мазмуни.

Муаммо. Низо. Түғридан-түғри музокоралар. Келишув тартиблари.

### **3. Қарор қабул қилиш метод ва моделлари.**

Ноформал, Микдорий. Жамоавий усуллар. Интуитив усул. Адаптив усул. Натижалилик. Амалийлик. Тежамлилик. Вақт омили. Назарий, вербал ва схематик моделлар. Конвергенсия жараёни. Моделлаштириш ва прогноз.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги үқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиб, муаммонинг ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, англаш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, ғояларни генерациялаш ва энг муқобил варианtlарни танлаш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Кўйида кўриб чиқиладиган ёндашувлар ва усуллар мустақил пайдо бўлган ва ривожланган, назариялар тизимида умумлаштириш учун аввалига уларни *сифат* усуллари (бу номнинг шартлилигини эслатиб ўтиб, чунки олинадиган натижаларга ишлов беришда миқдор фаразлардан ҳам фойдаланиш мумкин) ёки эксперт усуллари деб аташган, чунки улар тажрибали мутахассислар – эксперталарнинг (“эксперт” атамаси кенг маънода лотинчадан таржимада “тажрибали” маъносини англатади) фикрларини аниқлаш ва умумлаштиришни у ёки бу шаклда фаоллаштирувчи ёндашувлардир.

**“Ақлий хужум” ёки ғояларни жамоа бўлб яратиш усуллари.** Ақлий хужум кўпгина ғоялар орасида муаммони ҳал этиш учун ҳеч бўлмагандан бир неча яхши, фойдали ғоялар борлиги ва уларни аниқлаш кераклиги тўғрисидаги фаразга асосланган. Бу турдаги усуллар шунингдек *ғояларни жамоа бўлиб яратиш, ғоялар конференцияси, фикр алмашиш* усули номлари остида ҳам маълум.

Қабул қилинган қоидалардан ва уларни бажариш қатъийлигидан келиб чиқиб, бевосита ақлий хужумни, фикрлар алмашиш усулини, комиссиялар, судлар туридаги усуллар фарқ қиласди.

Муаммо ва таҳлил этиладиган обьект ҳақида тасаввурларни тайёрлаш ва мувофиқлаштиришнинг ёзма шаклда баён этилган усуллари *сценарийлар* номини олган.

Сценарийларни тайёрлашда тизимли таҳлил бўйича мутахассисларнинг вазифаси –тегишли билимлар соҳаларининг етакчи мутахассисларига тизим ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлашда ёрдам бериш; тизимнинг ривожланишига ва мақсадларни таърифлашда ташқи ва ички факторларини таҳлил қилиш.

**Таркиблаштириш усуллари.** Турлича таркибий тасаввурлар катта ноаниклика эга мураккаб муаммони яхшироқ тадқиқ этиладиган янада кичикроқ муаммоларга бўлиш имконини беради. Буни айрим пайтлар тизимли-таркибий деб аталувчи қандайдир бир тадқиқот усули сифатида кўриш мумкин. Таркиблаштириш усуллари тизимли таҳлилнинг исталган услубининг, лойиҳалаштиришни ташкиллаштиришнинг ёки бошқарув қарорини ташкиллаштиришнинг мураккаб алгоритми асоси ҳисобланади.

**“Мақсадлар дараҳти” туридаги усуллар.** *Мақсадлар дараҳти* усули гояси саноатда қарорлар қабул қилиш муаммолари сабабли биринча марта У.Черчмен томонидан таклиф этилган. “Дараҳт” атамаси умумий мақсадни кичик мақсадларга, уларни эса ўз навбатида янада батафсилроқ таркибларга

бўлиш йўли билан иерархик таркибдан фойдаланишни назарда тутади. Янада батафсилоқ таркиблар аниқ бир иловаларда паст даражадаги кичик мақсадлар, *йўналишилар*, *муаммолар*, маълум бир даражадан бошлаб эса – функциялар деб аталади.

**Эксперт баҳолари усули.** Эксперт баҳолаш хусусиятлари ва имкониятларини ўрганишга кўплаб асарлар бағишлиланган. Уларда қўйидагилар кўриб чиқилади:

- 1) эксперт гурухларини шакллантириш муаммолари, шу жумладан экспертларга бўлган талаблар, гурухлар ўлчамлари, экспертларни ўқитиш масалалари, уларнинг ваколатларини баҳолаш;
- 2) эксперт сўрови (турли анкеталаш, интервью, сўровнинг аралаш турлари) ва сўровни ташкиллаштириш услуби (шу жумладан анкеталаш, ақлий хужум, иш ўйинлари усуллари ва ҳоказолар) шакли;
- 3) баҳолашга ёндашувлар (даражалаш, меъёrlаштириш, тартиба солишининг турлича турлари, шу жумладан афзал қўришлар, жуфтлар билан қиёслаш ва бошқалар);
- 4) эксперт баҳолаш усуллари;
- 5) экспертлар фикрларининг мувофиқлашганини, эксперт баҳоларининг ҳаққонийлигини аниқлаш усуллари.

**“Дельфи” туридаги усуллар.** “Дельфи” усули ёки “Дельфи оракули” усули дастлаб О.Хельмер ва унинг ҳамкаслари томонидан ақлий хужум ўтказишида итератив процедура сифатида таклиф этилган. Бу усул йиғилишлар ўтказганда психологик факторлар таъсирини камайтиришга ва натижалар объективлигини оширишга ёрдам берган бўларди.

Лекин деярли бир пайтда “Дельфи”-процедуралар “мақсадлар дарахтлари” таркибини қиёсий таҳлил этишида ва “сценарийлар” ишлаб чиқишида миқдорий баҳолардан фойдаланиш билан эксперт баҳолашлари объективлигини оширишнинг воситасига айланди. “Дельфи” усулидан фойдаланишида натижалар объективлигини оширишнинг асосий воситалари – *тескари алоқадан* фойдаланиш, экспертларни сўровнинг аввалги босқичи натижалари билан танишириш ва бу натижаларни экспертлар фикрлари аҳамиятини баҳолашда фойдаланиш.

**Мураккаб экспертизаларни ташкиллаштириш усуллари.** Эксперт баҳолашларининг юқорида кўриб чиқилган камчиликлари экспертга баҳолаш учун таклиф этиладиган муаммонинг бошланғич катта номаълумлигини англаш учун осонроқ бўлган янада майда қисмларгабўлиш йўли билан баҳо олиш объективлигини оширадиган усулларининг яратилишига олиб келди.

Бу усуллардан энг оддийси сифатида ПАТТЕРН услубиётида таклиф этилган мураккаблаштирилган эксперт процедураси усулидан фойдаланиш мумкин. Бу услубиётда баҳолаш мезонлари гурухлари ажратилади ва

мезонларнинг вазн коэффициентларини киритиш тавсия этилади. Мезонларни киритиш экспертларни кўпроқ дифференциялаштирилган сўрашни ташкиллаштиришга имкон беради, вазн коэффициентлари эса натижа берувчи баҳолашлар объективлигини оширади.

### **“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Интенсив боғлардан фойдаланиш бўйича SWOT таҳлили

	Замонавий узум боғларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Замонавий узум боғлардан юқори хосил олиш. Йил давомида барча агротехник тадбирларни ўтказиши қулайлиги. Аҳолини доимо узум маҳсулоти билан таъминланиши.
	Замонавий узум боғлардан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Замонавий узум боғларни кенг миқёсда ривожланмаганлиги. Узум боғларида ҳар хил ҳашорат ва касалликларнинг кўпайиши учун шароит яхшилиги.
	Узумзорлардан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Юқори хосилдорлиги эвазига юқори даромад олиш. Маҳсулотларни узок масофаларга етказиши ва сақлаш

		имконияти бор. Четга күп маҳсулот экспорт қилинади.
	Тўсиқлар (ташқи)	Замонавий интенсив типдаги узумзор барпо қилишда дастлабки харажатларни юқорилиги. Узумзор барпо эниш учун кўчатларга ва бошқа материаллар ҳамда ишчи кучига талаб юқорилиги.

### “Холосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Холосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

**Ўсимликларни турли хил қишлоқ хўжалиги зааркунандаларидан ҳимоя қилишда кимёвий, биологик ва физикавий усуллардан фойдаланиш**

Ҳимоя усуллари					
Кимёвий		Биологик		Физикавий	
афза ллиги	камч илиги	афза ллиги	камчил иги	афза ллиги	кам чилиги

**Хулоса:**

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини

баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.


### **Вени Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

#### **Экинзорларни анъанавий ва томчилаб суғориш бўйича**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, олган билимлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунириллади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттириллади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**Маъruzani яънада самаралироқ чиқиши учун педагогик  
техникани қўллаш керак.**

Маърузада тингловчилар иштироки элементларини киритиш керак.

Бундан бошқада таълим бериш воситаларидан унумли фойдаланиш керак:

- **Видео**
- **Проектор**
- **Флип – чат**
- **Электрон доскалар ва бошқалар**

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Тизимли таҳлил ҳақидағи асосий түшүнчә ва тамойиллар.**  
**Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари. Педагогик фаолиятда ва**  
**қишлоқ хұжалигыда тизимли таҳлил**

**Режа:**

1. Тизим нима.
2. Тизим таркиби, ҳолати ва ишлаши.
3. Тизимли таҳлил түшүнчеси.
4. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.
5. Тескари алоқа ва тизим классификацияси.
6. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.
7. Қишлоқ хұжалигыда тизимли таҳлил.

**Таянч иборалар:** *тизим, таҳлил, синтетик ва аналитик, элемент, компонент, ҳолат, алоқа, функция, классификация, принцип “изох”, “таҳлил”, тизимли таҳлил, тизимли ёндошии, бошқарувчанлик вазифаси, тизим модели, тизимли алоқадорлик, диагностик вазифаси, огоҳлантирувчи, билиш вазифаси, педагогик фаолият, мифологик таҳлил, вазиятли таҳлил, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир*

#### **1.1. Тизим нима**

Замонавий жамиятда таркибли тақдим этишлар шундай даражага етдики, барча муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашувнинг муҳимлиги ва фойдалилығи ҳақида фикр одатий ёки умум қабул қилинган ҳисобланади. Нафакат олимлар, балки муҳандислар ва педагоглар, юристлар ва маданият арбоблари ўз фаолиятида тизимлиликтен аниқлашды ва ўз ишини англаған ҳолда тизимлаштиришга ҳаракат қилишади. Тизимлиликтен даражаси (муаммоларни ҳал этишда) қанчалик юқори бўлса, ҳар қандай амалий вазифаларни ҳал қилиш шунчалик самарали бўлади. Фикрлаш ҳам тизимли, шунинг учун тизимлилик XX асрнинг иккинчи ярмида эмас, анча эртароқ – инсон ўйлай бошлаганда пайдо бўлган.

Масалан, “қуёш тизими”, “асаб тизими”, “тengламалар тизими” ва бошқалар улардаги умумийлик бу – тизимлилик эканлигини англатади.

#### **1.2. Тизим, тизим таркиби түшүнчеси ва таърифланиши**

Биз ҳар қандай моддий обьектнинг элемент, алоқа, ўзаро таъсир, мақсад қўйиш каби муҳим қисмларини ҳисобга оладиган тизим түшүнчесидан фойдаланамиз.

**Тизим** бу –элементлар ягоналигини, уларнинг алоқалари ва ўзаро

ҳамда улар ўртасида ва ташқи мұхит билан ўзаро таъсирини ташкил этувчи, ушбу тизимга хос бўлган бутунликни, сифатий муайянлик ва мақсадга йўналғанликни ташкил этувчи тўпламдир.

**Элеменит**—тизимнинг бўлинмас қисми, ушбу тизимга нисбатан мустақилликка эга. Элементнинг бўлинмаслиги ушбу тизим доираларида унинг ички тузилиши ҳисобининг мақсадга мувофиқ эмаслиги сифатида кўрилади.

**Алоқа**— бир элемент хусусиятларининг тизимнинг бошқа элементлари хусусиятларига боғлиқлиги мажмуи.

**Ўзаро таъсир**—элементлар ўртасидаги хусусиятлар бир-бирига ўзаро кўмак характеристини олгандаги ўзаро алоқалар ва ўзаро муносабатлар мажмуи.

**Тизим маркиби**—тизим элементларининг ва улар ўртасидаги алоқаларнинг тўплам кўринишидаги мажмуи.

Таркиб тизимнинг статик модели ҳисобланади ва факат тизимнинг тузилишини характерлайди, унинг элементлари хусусиятлари (холатлари) тўпламини ҳисобга олмайди. Тизим ўз ичига кирмаган бошқа моддий обьектлар орасида мавжуд бўлади. Улар “ташқи мұхит” – ташқи мұхит обьектлари тушунчаси билан бирлашадилар.

**Ташқи мұхит** бу – маконда ва вақтда мавжуд обьектлар (тизимлар) тўплами, фараз қилинишича, улар тизимга таъсир этади.

Бизни ўраб турган олам вақт ва фазода чексиз. Инсон шу оламда бирор бир мақсадга интилиб ва интилишларини рўёбга чиқариб (бунда: у ўзининг манба ва заҳираларини - энергетик, ташкилотчилик, маълумотлар вақт ва фазо ва ҳ.к. ларини) сарфлай боради. Бунда одамзодни дунёни билиш истагини чексизлиги, буларни қилиш мумкинчиликларини чекланганлиги (захира ва ҳ.к.) яъни инсон манбаларининг чекланганлиги ва табиат ва ундан ҳодиса ва жараёнларни чексизлиги орасидаги қарама-қаршиликлар жуда мұхим оқибатларга эга бўлади.

Бу кураш бу истак инсон онггини била бошлагандан то умрининг охирги дақиқаларигача давом этади. Яъни бу инсониятни ўзини-ўзи билиш ва англаш жараёнидир.

Инсониятга берилган билишнинг мұхим жиҳатларидан бири, инсон учун билишнинг секин асталик билан, тушунмовчиликлар ва қарама-қаршиликларни енгиб босқичма-босқич қўлга киритилишидир.

Инсон бунда билишнинг аналитик ва синтетик фикрлаш шакли(иникосидан) фойдаланади. Бу дегани бутунни қисм ва бўлакларга ажратиб, мураккаб нарса ва тушунчаларни жуда содда компоненталарга ажратиб ва аксинча шу содда бўлакчалар ва қисмлардан мураккаб бир бутунни ҳосил қиласи ва мазмун моҳиятини англашади.

Бу ҳам ўз навбатида билиш жараёнини ўзига, жамоавий англашга,

индивидуал (алоҳида) тафаккур қилишга тегишилидир. Инсон билимининг таҳлил қила олиш хусусиятлари ҳар хил фанларнинг мавжудлигига, фанларнинг дифференциаллашувидаги, ҳар биттаси ўзича муҳим, керак ва ўзига хос қизиқарли бўлган бир ёқлама (тор) масалаларни жуда ҳам чуқур ўрганишда намоён бўлади.

Философия материя ҳамма шаклларининг умумий хоссаларини, математика ҳам айримларини лекин умумий муносабатларини ўрганади ва тавсифлайди. Синтез усулига асосланган билимларга мана шу бугунги ўрганмоқчи бўлган фанимиз тизимли таҳлил асослари, информатика, кибернетика ва ҳ.к. яъни техник, гуманитар, қишлоқ хўжалиги шаклан турли хил бўлган билимларни боғловчи фанлар киради.

Шундай қилиб, билимларни шиддат билан ривожланиб бораётган шароитида, бу ўз навбатида, бир томондан ҳаётимизнинг турли соҳаларига тегишили кўпдан-кўп ихтиrolар, қашфиётлар қилинишига ва янги факт, далилларни йиғилишига олиб келди, шу билан бирга иккинчи томондан инсоният олдига ушбуларни тизимлаштириш яъни хусусийдан умумийни ва ўзгарувчидан ўзгармасни топиш масаласини қўйди. Тафаккурни анализ, синтез ва ўзаро таъсирга ажратмоқ бу билишни тизимли таҳлил усулининг энг ошкора белгиларидан бири саналади.

### **1.3. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари**

**Бу ўқув курсининг мақсади:**- тизимли таҳлил асосларини ва унинг тизимли татқиқот методологиясини ҳамда давлат идоралари ишларида, сиёsat, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва хавфсизлик (ҳарбий) соҳаларда замонавий таҳлил усусларини ўрганишдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, курснинг асосий-туб мақсади: информацион – аналитик ишларда, қишлоқ хўжалигига юзага келадиган муаммоларда тизимли таҳлил методлари ва ёндашишларидан фойдаланиш (кўлланиш) билим ва кўникумларини эгаллаш.

Шундай қилиб тизимли таҳлил асослари (ТТА) муаммони ечиш методологияси сифатида ҳамма керакли методларни (жамловчи), муаммони ечиш учун зарур бўлган харакат ва билимларни бирлаштирувчи каркас(синч, қобирға) вазифасини бажаради.

Тизимли таҳлилнинг айни мана шу хусусияти, ҳар қандай ишда-(технологик жараён давомида бажариладиган ҳар бир айрим ишда), статистик ечимлар назариясида, ташкиллаштириш ва шунга ўхшаган бошқа назарияларда унинг мавқеи – ўрнини аниқлайди. ТТА – у ёки бу методни, бирор муаммони ечишда шу жумладан қишлоқ хўжалигига оид муаммоларни ечишда қандай шаклда ва қайси босқичда қўллаш кераклигини аниқлаштириб беради.

## **Ушбу курснинг вазифалари**

- Ўрганишга қўйилган муаммога таъсири этувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг охирги рўйхатини аниқлашдан;
- Муаммони туб маъно-моҳиятини очиб берувчи, ёритиб берувчи тизим моделини тузишдан;
- Муаммони ечиш учун тайёрланаётган лойиҳани, шу кўрилаётган лойиҳа ушбу муаммони ечиш учун мос келадими йўқми, мезонини (устувор мезонини) аниқлашдан;

Энг мос келувчи устувор мезонларни ишлаб чиқишидан иборатдир.

ТТ нинг моҳияти кўрилаётган обьект учун кузатиш ва тушуниб олиш қийин бўлган хоссалар ва хусусиятларни шу обьектларга мақсадли йўналтирилган тизимлар кўринишида тасаввур қилиб татқиқот методологиясини шакллантиради.

Тизимли таҳлилнинг фан сифатида обьекти, ўрганилаётган муаммо ёки ҳодиса ҳисобланади. Тизимли таҳлилнинг тўғридан-тўғри предмети(мавзуси) тизим саналади.

Предмет соҳаси – тизим жараёнлари ва ҳодисаларини предмет нуқтаи назаридан ўрганувчи фаннинг бўлими.

**Нуқтаи назар: тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув каби тушунчалар мавжуд. Бунда...**

- **тизимли таҳлил деб**, мураккаб сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий, илмий ва техник характерга эга бўлган қарор қабул қилиш учун тайёргарлик кўришда қўлланадиган таҳлилий воситалар (куроллар) ёрдамида амалга ошириладиган таҳлил турини тушуниш лозим.
- **тизимли ёндашиш эса**, обьектни тизим сифатида ўрганиш йўли, методологияни, ижтимоий амалиётдаги йўналишларни тушуниш лозим.

Таҳлилнинг ривожланиш тарихи ҳар бир минтақада ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, Ғарб мамлакатларида бу хусусда бир қатор ютуқлар кўлга киритилган. “Эрик Жонсоннинг ёзишича, XX асрнинг 90-йилларида биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган. 2000чи йилдан сўнг, умуман бутун дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёжнинг ўсиши кузатилди. Бунга мисол тариқасида таҳлил марказларининг умумий сони 4,5 мингга етганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. 2009 йилнинг охирларига келиб уларнинг сони 5,5 мингтани ташкил этган. Бу кўрсаткич таҳлилнинг соҳавий ривожланиши стратегик бошқарув нуқтаи назари билан қараганда зарурият эканлигини кўрсатади.

Тизимли таҳлилнинг хусусий жиҳатлари ҳақида фикр билдиришдан олдин, фанда мавжуд бўлган таҳлил турлари ҳақида муносабат билдирамиз:

- мифологик таҳлил;
- графикали таҳлил;

- прогнозларнинг таҳлили;
- прагматик таҳлил;
- дастурлар таҳлили;
- муаммоллар таҳлили;
- концептуал (идеал ҳолатларнинг) таҳлил;
- вазиятли таҳлил;
- функционал таҳлил;
- сюжетли таҳлил;
- жузъий ўзгаришлар кўрсаткичининг таҳлили;
- сабаб-оқибат боғлиқлиги таҳлили;
- корреляцион таҳлил;
- кластерли таҳлил;
- семантик таҳлил;
- дискурс таҳлил;
- даражали таҳлил;
- жуфтли қиёслаш таҳлили;
- ресурсларнинг таҳлили;
- мантикий-лингвистик таҳлил ва бошқалар.

**Таҳлил шарҳлаш (ёзиш), текшириш, суриштириш, ҳал қилиш, ечиш деган маъноларни билдириб, қўйидаги мазмунларни қамраб олади:**

- ✓ нарса ва ходисаларнинг моҳияти, қонунияти ва бошқа жиҳатларини текшириш, ўрганиш иши;
- ✓ бирор нарса ҳақидаги маълумотларни аниқ нуқтаи назар асосида ўрганиш, баҳолаш;
- ✓ бирор нарсанинг таркибий қисмини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.
- ✓ Таҳлил, фаолият сифатида бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан бажарилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлик бўлган манфаатлар таъминланади.
- ✓ Илмий мунозарада “изоҳ”, “шарҳ”, “таҳлил”, “талқин” каби тушунчалар кўп қўлланилади, аммо уларнинг моҳиятига ҳамма вақт ҳам эътибор қаратилмайди. Таҳлилий фаолият доирасида эса бу каби ёндашув номақбул ҳисобланади. Агар, ҳар бир тушунчанинг мақсади, мазмун-моҳияти, қамрови мавжудлигини инобатга олсақ, таҳлил давомида улардан ўринли фойдаланиш қатор устунликларга эга.
- ✓ **Биринчидан**, талқин жараёнида амфиболия (*amphibia* – икки маъноли, дудмал) ҳолатлари юзага келмаслиги таъминланади.
- ✓ **Иккинчидан**, таҳлил давомида тайёрланадиган манбанинг ҳажми белгиланган ҳажмдан ошмаслиги лозим.

✓ **Учинчидан**, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳамда прогноз буюртмачи учун тушунарли бўлиши лозим.

✓ **Тўртингчидан**, манбада кўлланилган тушунчалар қайтарилимаслиги, тавтологияга йўл қўймаслик лозим.

✓ Бугунги кунга қадар таҳлилни амалга оширшнинг концепцияси ва модели яратилмаган. Аммо жамият доирасида турли даражаларда таҳлилий манбаларга (хулоса, тавсия, кўрсатмаларга) талаб (эҳтиёж) ошиб бормоқда. Манбаларнинг илмийлиги, долзарблиги, амалийлигини мустаҳкамлаш тизимли таҳлилнинг вазифаларига боғлиқдир.

✓ **Тизимли таҳлилнинг вазифалари:**

✓ **Тизимли таҳлилнинг бошқарувчанлик функцияси.** Бошқарув жараёнини турли босқичларида қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш, қарор қабул қилиш, қарорни жорий этиш ва қарор ижросини назоратини амалга ошириш учун ахборот билан таъминлайди.

✓ **Тизимли таҳлилнинг диагностик функцияси.** Жараённи кечиши ёки фаолият давомида юзага келган ҳолат (вазият), яъни жорий ҳолат ҳақида объектив тасаввур (манзара)ни шакллантиради.

✓ **Тизимли таҳлилнинг огоҳлантирувчи функцияси.** Жараённи кечиши давомида вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий муаммо, турли шакл ва қўринишдаги хавф (Х визитлар) ва низолар ҳақида огоҳлик бериб, уларни бартараф этиш учун (уларга конструктив тус бериш учун) хизмат қиласди.

✓ **Тизимли таҳлилнинг билиш –функцияси.** Фаолият давомида юзага келган ҳолатнинг моҳиятини англаш учун, бошқарувни амалга оширишда қўлланилаётган усулларни, ёндашувларни, қадриятларни, бир сўз билан айтганда бошқарув менталлигини ўзгартириш учун хизмат қиласди.

**Тизим** деб тартиблangan, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади.

Тизим - бу жуда кўп элементлардан ташкил топган тўпламдир. Тизимнинг ўзига хос – хусусияти, мақсад сари йўналганлик ва сифат жихатдан аниқланганлик, элементлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, элементларнинг бир – бири билан таъсири ва ўзаро таъсири мавжудлигидадир. Демак тизим – ўзаро боғланган элементларнинг мураккаб комплексдир.

### Элемент нима?

- Мураккаб бутуннинг таркибий қисми
- Берилган тизимга нисбатан мустақил мавжуд бўлишлик, бу тизимнинг бўлинмас қисмидир
- Элементнинг бўлинмаслиги – бу берилган тизим модели доирасида система ички тузилишини ҳисобга олишдаги номувофиқлик деб қаралади.

## **Ўзаро алоқа (элементлар ўртасидаги)**

- Ўзаро алоқа – бу тизимнинг бир элементи хоссалари йиғиндининг, тизимнинг бошқа элементлари хоссалари йиғиндисига боғлиқлигидир. Иккита элемент орасидаги ўзаро алоқани тиклаш (ўрнатиш) – демак улар хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқликни юзага чиқариш демакдир.

## **Ўзаро таъсир (тизим элементлари ўртасидаги)**

- Тизим элементлари ўзаро бир – бири билан таъсирлашиш характерини намоён қилгандаги тизим элементлари хоссалари ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларни йиғиндиси бу тизим элементлари ўртасидаги ўзаро таъсир деб аталади.

### **Тизимнинг тузилиши бу:**

- Тизим элементлари мажмуи ва элементлар орасидаги алоқаларнинг тўплам қўриниши
  - Тузилиш (тизилма) – тизимнинг статистик моделидир
  - Тизим элементлари хоссаларини (холатини) тўпламини ҳисобга олмайди ва фақат тизим тузилишини характерлайди холос

### **Тизимнинг асосий белгилари:**

- Бутунлик, боғлиқлик ёки тизимлар ва муҳитга нисбатан боғлиқ эмаслик (бу тизимнинг энг муҳим миқдорий характеристикасидир);
- агар алоқа(боғлиқлик) йўқолса тизимнинг ўзи йўқолади, бунда ҳатто тизимнинг баъзи бир, нисбатан алоқалари сақланиб қолиши мумкин;
- ост тизимлар ва улар орасидаги алоқанинг мавжудлиги ёки тизим тузилиши мавжудлиги (бу энг муҳим миқдорий характеристикасидир), ост тизимларнинг ёки улар орасидаги алоқанинг йўқолиши натижасида тизимнинг ўзи ҳам йўқолиши мумкин;
- атроф муҳитдан ажратиш ёки муҳим хоссаларини билиш учун жузъий хоссаларга эътибор бермаслик;
- мақсадга етиш учун унча катта бўлмаган таъсир кўрсатувчи атроф – муҳит омилларидан нисбатан ажратиш;
- атроф муҳит билан алмашинадиган заҳира (имконият) алоқалаridan ажратиш;
- тизим ҳамма ташкилий тузилмаларининг қандайдир мақсадга етишдаги итоаткорлиги(бироқ бу тизим тузилиши таърифидан келтириб чиқарилади);
- тизим хоссаларини тизим элементлари хоссаларига эмержентлиги ёки бирор натижага олиб келмаслиги.

### **1.4. Тизимли таҳлилнинг метод ва тадбирлари**

- Муҳим хоссаларни билишда жуъзийларга эътибор бермаслик ва аниқлаштириш (равшанлаштириш);

- анализ(тахлил) ва синтез;
- индукция ва дедукция;
- формаллаштириш (м., муайян билим соҳасини формал тизим тарзida тасвирлаш ва ўрганиш);
- структуралаш;
- макетини яратиш;
- алгоритмлаш;
- моделини яратиш;
- дастурий бошқарувни яратиш;
- кўриниши (шаклини) аниқлаш (таниш), классификациялаш ва идентификациялаш (айнан ўхшатиш);
- эксперталар томонидан баҳолаш ва тестлар ўтказиш ва бошқа усул ва тадбирлар.

### **Тизимли ёндашувнинг принциплари (асосий қонун- қоидалари)**

- Охирги мақсадга етиш принципи: энг муҳим абсолют охирги (глобал) мақсад;
- бирлик (бутунлик) принципи: тизим бир бутун ва тизимлар (элементлар) йиғиндиси тарзida қаралади;
- алоқадорлик принципи: тизимнинг ихтиёрий қисми унинг атрофидаги бошқа қисмлари билан биргаликда қаралади (тасаввур қилинади);
- тизим модулини тузиш (яратиш) принципи: тизимда модулларни ажратиб тизим модуллар йиғиндисидан иборат деб қаралади;
- иерархия принципи: тизим қисмлари(элементлари) иерархиясини киритиш ва (ёки) маълум тизим қисмларини (элементларини) муайян тартибга келтириш;
- функционаллик принципи: тизим тузилиши ва функциясини биргаликда, тизимнинг энг муҳим биринчи даражали функциясини тизим тузилишидан ҳам муҳимроқ деб қараш;
- ривожланиш принципи: тизимнинг ўзгарувчанлигини, унинг ривожланишга мойиллигини, кенгайишини, қисмларининг алмашинишини, маълумотлар тўпланишини ҳисобга олиш;
- номарказлашиш (марказлашишни йўқотиш) принципи: қарор қабул қилишда бирлашиш ва марказлаштириш ва номарказлаштиришни бошқариш;
- ноаниқлик принципи: тизимда ноаниқликлар ва тасодифларни ҳисобга олиш.

### **Декомпозиция**

- Бутунни қисмларга ажратиш;
- вазифаларни (масалаларни) – бўлакларга бўлиш;
- тизимни – таг тизимларга ажратиш;

- булар охир оқибатда умумий масалани соддалаштириш имкониятими беради, масалани ҳажмини кичрайтиради;
- натижада содда моделлардан фойдаланиш имконияти туғилади.

### **Агрегирование (сифат жиҳатидан юқорироқ даражага бирлаштириш)**

- Қисмларни бутунга бирлаштириш, бу ўз навбатида тизим түғрисида ҳам сифатий ва ҳам миқдорий - янги маълумотлар олишишмизга имкон беради;
- янги бирлашган (янги тизим), умуман бирлашаётган тизим элементлари эга бўлмаган янги хоссаларга эга бўлиши мумкин.

### **Тизимли таҳлилнинг зарур (керакли) усуслари**

- масалани (муаммони) қўйиш;
- уни (муаммони) текшириш;
- сифат мезонларини танлаш;
- асосий босқичларни кўрсатган ҳолда эксперимент режасини ишлаб чиқиш;

Таҳлил қилиш жараёнида иерархия принципини юқоридан пастга ва мураккаб тизимларни синтез қилиш ва бошқа жараёnlарда иерархия принципини пастдан юқорига бажарилишини таъминлаш.

### **Тизимда А.А. Богданов икки турдаги қонуниятни қузатган**

- Ўз – ўзидан шаклланувчи, тизимни бошқа қўринишга олиб келувчи яъни тизимни сифат жиҳатдан бошқа тизимга ўтиши - ривожланиш қонуниятини.

Сифат жиҳатдан янги бошқа ҳолатга ўтган системани яшашини ҳозирги кўринишда стабил туришини тартибга солувчи.

### **Тирик табиат тизими**

- вируслар — тизими асосан иккита ўзаро таъсиrlашувчи компонентлар бирлашмаси: нуклеин кислотаси молекуласи, оқсили;
- ҳужайралар — ядродан, цитоплазма ва қобиқчадан иборат тизим; ўз навбатида ҳар битта ост тизим ўзига хос элементлар йигиндисидан иборат;
- Кўп ҳужайрали тизим — (организмлар, многоклеточные — системы (организмы, бир ҳужайралилар популяцияси);
- турлар, популяциялар — бир турдаги организмлар тизими;
- биоценоз — турли турдаги организмларнинг бирлашган тизими;
- биогеоценоз — Ер сиртидаги организмларни бирлаштирувчи тизим;
- биосфера — Ердаги тирик материя тизими.

### **Т. Парсонс ҳаракатнинг элементлари ва мотивацияларини уч кўринишга ажратиб қарайди**

- когнитив (харакатнинг мақсадидан келиб чиқувчи объект түғри- сидаги ғоялар);
- таъқиқланган (объектга нисбатан эмоционал)
- баҳоланувчи (иш - ҳаракат альтернативаларини баҳолаш).

### **1.5. Ижтимоий тизим характеристикалари**

- ривожланишда ярим тузилишлилик, ярим функционаллик, ярим режалилик;
- умуман олганда ижтимоий тизим кўп миқдорли, ранго – ранг, кўп альтернативли, яъни ҳолатларнинг кўплиги билан характерланади;
- қонун – қоидаларга асосланмаган, онгсиз – пала – партиш ва мустақил. Инсонга ўхшаб, умумий ёки жамоа кўринишида атроф муҳитга муҳтож бўлмаса, улар етарли даражада олдиндан аниқ бўлса;
- ижтимоий тизимда ўз ҳаракати йўналишини ва режаларини, мақсадларини шаклланишига туртки бўлувчи механизмларни мавжудлиги;
- эгилувчанлик, мослашувчанлик, турғунлик, ўзининг бирламчи ҳолатини сақлаш ва ўта яшовчанлик қобилияти;
- рационаллик(акл идрокга асосланган) ва иррационалликнинг бирлиги, фаҳм – фаросатлилик ва тентаклик, фикрлар ва сезгилар;
- тизимнинг органик характердалиги яъни тизимнинг ўз – ўзига элементлар, тузилмалар ишлаб бериш қобилияти;
- ўз – ўзини ташкил қилиши (юзага келтириши), ўз – ўзини тартибга солиши, ўз – ўзини бошқариши ва ривожлантириши;
- фазо – вактда чекланганлик, ўзгарувчанлик, боғлиқлилик;
- тизимда сунъий элементлар тузилмалар, функцияларнинг мавжудлиги.

### **Тизимли методда объектлар ва жараёнлар**

- функция - функцияниң қийматини топиш;
- ифода – ифодани айниятга айлантирувчи аргументларни топиш;
- теорема – теоремани таърифлаш ёки исботлаш — яъни шундай шартни топиш керакки шакллантирилган гапни аниқ мулоҳазага айлантиrsин;
- алгоритмни тузиш – объектни талаб қилинаётган ҳолатига олиб келишни таъминловчи ёки жараённи берилган ҳолатдан маррага олиб бо́рувчи маҳсулотларни(қилиниши керак ишларни) кетма – кетлик ҳаракатини тузиш.

## **Тизимли таҳлилнинг терминлари ва тушунчалари**

• **Тизим** - ҳохлаган муайян концепцияга эга бўлган ёки физикавий ўзаро боғланган қисмлардан ташкил топган моҳият. Кўпчилик объектлар ва улар хоссалари ўртасидаги боғланишлар мавжудлигига одатда тизим дейишади. Масалан, бизни ўраб турган физикавий қисмлар Қуёш системаси, тоғлар тизими, дарёлар тизими ва х.к.

• Агар шундай мушоҳада юритадиган бўлсак қурилма ва деталлардан ташкил топган машина, ҳужайралар йиғиндисидан ташкил топган тирик организмларни ҳам тизим дейишимиз мумкин. Тизим тушунчаси инсон фаолияти турли хил соҳаларида кенг тарқалган ушбу категориялар билан: режа, метод, тартиб билан боғланишга эга.

• **Объект (элемент).** Элемент деганда тизимнинг оддий бўлинмас бўлаги тушунилади. Умумий кўринишида ажратиш усуллари, тизимнинг тузилиши ва мақсақдларининг таҳлилига боғлиқ ҳолда бундай бўлакчалар чекланмаган кўп бўлиши мумкин. Агар тизим элементи сифатида, аниқ муносабатлар билан ўзаро боғланган тушунчалар қабул қилинган бўлса, у ҳолда рамзий (мавҳум) системалар билан иш олиб борган бўламиз.

Бундай тизимларга: тиллар, ҳисоблашлар, алгоритмлар мисол бўла олади. Ҳақиқий (физикавий) тизимлар ўзида камида иккита физикавий объектни бирлаштиради. Ҳақиқий тизимни яратиш қуидагини англатади, у баъзи бир компоненталардан навбатдаги тартибда ҳосил қилинади(синтезланади): тизимни режалаштириш(фикран тасаввур қилиш), компоненталарини ажратиш ва таҳлил қилиш, компоненталарини лойиҳасини ишлаш (конструкциялаш) ва компоненталарни бир бутунга бирлаштириш.

**Тизим ости тизимлари.** Тизим элементларга бирданига эмас, кетма-кет тизим ости тизимларига бўлаклаш йўли билан ажратилиши мумкин. Тизим ости тизимини ўзи ҳам тизим бўлиши мумкин, ушбудан келиб чиқсан ҳолда, тизим ҳақида нима айтилган бўлса, шу қаторда тизим бутунлиги(яхлитлиги) ҳам тизим ости тизимига тегишли бўлади. Ушбу хусусиятлари билан тизим ости тизими мақсад ва хоссалари яхлит бўлмаган ҳолда бирлашган элементларнинг оддий тўпламидан фарқ қиласи.

### **Тизимдаги муаммо ва моделлар**

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти бир – бири билан мустаҳкам боғланган ва аксар ҳолларда булар кўпгина мақсадларни ўз ичига олади. Бу уринишлар мураккаб тизимни ҳосил қиласи ва буларга, ишлаб чиқаришнинг асосий элементлардан ташкил топган: қайта ишлаш, фойдали тарзда ишлатиладиган, тозалаш ишловини берадиган, техник хизмат кўрсатадиган йирик иқтисодий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қараш мумкин. Ушбу иқтисодий двигателни кетма – кетлигини самарали қўллаб – қувватлаш, ушбу тизим самарадорлигини унинг

рақобатбардошлиқ лаёқатини унинг иқтисодий коэффициентини ошириш учун шарт –шароит яратади, бошқаришни самарали усулларини қўллаш учун заҳиралардан оқилона фойдаланиш ва мониторинг қилиш, созлаш – қўллаш чеклашларини тушуниш, ишлаб чиқаришга ижодий ёндашишларга йўл очади, иқтисодиётни бошқа секторлари билан алоқани йўлга қўяди, қўшимча(устама) баҳолар ва мумкинчиликларни аниқлайди, бундан ташқари иқтисодиётни яънада ривожланишига ва янги ишчи ўринларини яратилишига хизмат қиласди.

Тизимни моделлаштириш ва таҳлил қилиш аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат муаммоларини ечимини топиш ва тушуниш учун хизмат қиласди. Тизимли таҳлилнинг мақсади, тизим ичидаги , яъни тизимни ташкил қилувчи компонентлар ва уларнинг ўзаро таъсири мағзини чақиб, муаммонинг ечимини топишдан иборатдир.

Кўпчилик ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат маҳсулотлари бўйича қаралаётган муаммолар атроф муҳит ва энергетик муаммолар кўринишида бўлади. Экология, иқтисодиёт, таълим ва самарадорлик кўринишларини олади. Тизимли таҳлил босқичлари қуидагиларни ўз ичига олади: таҳлил қилинаётган тизим ва унинг мақсадини аниқлайди, тизимларни таниш учун уни абстракциялайди, компоненталар ўртасидаги ўзаро таъсири излашлар корреляцияси орқали тавсифлайди, тизим унумдорлиги кўрсаткичини белгилайди, тизим базавий маълумотларини ва тизим ҳақидаги билимларни яратади, жараёнлар ва тизим ҳақидаги маълумотларни англаш учун тизим моделини ишлаб чиқади, тизим манзили ва унинг унумдорлиги масалаларини прогнозлаш моделини яратади, тизим характеристикаларини шакллантириш учун таҳлиллардан хуносалар чиқаради ёки қарор қабул қилишни қўллаб – кувватлашни амалга оширади. Моделлаштириш бу бирор жараённи, тизимни ва компонентани аниқ тушуниш ҳамда тизимни бутунлигича таҳлилини енгиллаштириш учун асбоблар, йўл – йўриклар ишлаб чиқиш дегани. Моделлар (яъни модельлаштириш ишларининг маҳсули) физик ёки компьютер моделларига бўлиниши мумкин. Компьютер моделини татбиқ қилиш (амалга ошириш) бошқа моделларга нисбатан устунликларга эга бўлади, чунки бу моделлар компьютерда ишланиб чизмаларни ва жараёнларни оптималлаштиришни енгиллаштиради. Компьютерда модельлаштириш ишлари қуидагиларни ўз ичига олади: микдорий маълумотлар ёки жараёнлар, маълумотларни математик, мантиқий ёки эвристик ўзаро боғланганликда тасвирлайди ҳамда ғоя ва қарашлар тизимини ёки асбоблар ва жараёнларни яратишни амалга оширади.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University,Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco,Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2010

## **Тизим тузилиши (структураси)**

Тизимни, элементларнинг оддий тўплами, ёки хоссалари берилган кўп буюмлар кўринишида, ёки кетма-кет бўлакларга ажратилган тизим ости тизимлари, компоненталари, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлари кўринишида деб ҳам тасаввур қилиш мумкин. Тузилиш элементлар ва гурухлар орасида бўладиган катта аҳамиятга эга ўзаро боғланишларни акс эттиради. Мавжуд ўзаро алоқалар тизим мавжуд бўлишларига, тизимни энг аҳамиятли ва бирламчи хоссалар билан таъминлайди.

Тизимнинг тузилиши хоссалари элементларга нисбатан унчалик боғлиқ бўлмайди ва бир тизимдан бошқа тизимга ўтганда инвариантлигини сақлайди яъни бир тизимда аниқланган қонуниятларни бошқа тизимга кўчиришда (ҳаттоқи бу тизимлар ҳар хил физиковий табиатга эга бўлса ҳам). Тузилиш график тасвир кўринишида, назарий-тўплам муносабатда, матрица кўринишида тасаввур қилиниши мумкин. Тизим турини тасаввур қилиш акс эттиришнинг(инъикос) мақсадига боғлиқ бўлади.

**Тизим функцияси.** Бу фаолият, иш, берилган тизимга бирор бир объект хоссаларини ташқаридан намоён қилинишидир. Тизим функцияси текширишнинг мақсадига боғлиқ ҳолда ҳар хил белгили синфларга ажратилади.

**Тизим хоссаси.** Объект параметрларининг сифати яъни объект ҳақида билимларни олишда фойдаланиладиган усуллар. Тизим хоссалари тизим объектларини миқдор жиҳатдан аниқ ўлчамга эга бўлган ўлчов бирликларида ифодалаб, тарифлашга имкон беради. Тизим ҳаракати (ишлаши) натижасида тизим хоссалари ўзгариши мумкин.

**Алоқа (тизим алоқаси).** Бу тушунча тизимни исталган таърифи таркибига киради ва тизим яхлитлик хоссаларини ва тузилишни сақланишини ва тизим юзага келишларини таъминлайди, тизим тузилиши ва ишлашини характерлайди. Алоқа йўналиши (йўналган-йўналмаган, тўғри ва тескари), кучи (кучсиз-кучли), характеристики (бўйсуниш алоқаси, самара, тенглик, бошқариш) билан характерланади. Алоқа ҳамма тизим элементлари ва тизимости тизимлари ўртасида мавжуд деб фараз қилинади.

**Ҳолат.** Тизимни оний характеристикаси (тўхташи ва ривожланиши) бўлиб вақтнинг аниқ бир моментидаги тизим хоссалари ҳақидаги билимлар билан таъминлайди. Ҳолат кириш таъсирлари ва чиқиш натижалари ёки умумтизим хоссалари билан аниқланади. Статистик тизим – бу бир ҳолатдаги тизим. Динамик тизим бу – вақт ўтиши билан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турувчи кўп ҳолатли тизим.

**Тизимни ўзини тутиши.** Тизим ҳолатини ўзгариши бўлиб якунида

бирор натижа бўлади ва бу жараёнга тизимни ўзини тутиши дейилади. Ўзини тутиш термини асосан инсон-машиналашган ёки ташкилий тизимларга нисбатан ишлатилади. Техник тизимларда одатда тизимдаги жараёнлар хақида гапирилади.

**Тизим мувозанати.** Ташқи таъсиrlар(галаёнлар) бўлмаганда тизим ўз ҳолатини аниқ бўлмаган кўп вақт сақлаб қолиши билан аниқланадиган тушунчадир

**Барқарорлик (турғунлик).** Ташқи ғалаёнлар таъсиридан кейин тизимни мувозанат ҳолатига қайтиш қобилиятини турғунлик деб аташади. Тизим қайтадиган мувозанат ҳолати турғун мувозанат ҳолати дейилади. Техник системалар учун турғунлик тушунчаси қаътий равишда аниқланган бўлиши мумкин. Инсон – машиналашган ёки ташкилотчилик тизимлари учун бу тушунча етарли даражада сифат нуқтаи назаридан аниқланади.

**Ривожланиш.** Ривожланиш деб – вақтнинг бирор бир белгиланган моментидан бошлаб тизим ўз ҳолатини кетма – кет ўзгартиришига айтилади. Бу ўзгаришларнинг характеристири тизимда кетаётган жараёнлар ва атроф муҳит билан ўзаро таъсири орқали аниқланади. Ўзгариш босиб ўтилган ҳолатларни такрорлаш натижасида(циклик ривожланиш) монотон ёки сакраш кўринишида бўлиши мумкин.

**Мақсад.** Мақсад - тизим ривожланиши асосида ётувчи ва унинг аниқ бир мақсадга йўналтирилганлигини таъминловчи тизимли таҳлилнинг бирдан-бир муҳим тушунчасидир. Мақсадни –вақтнинг бирор – бир интервалида исталган(ҳоҳланган) фаолият натижаси деб айтишимиз мумкин. Мақсад, унга эришишнинг аниқ вақти кўрсатилган ва истак (орзу) натижаси миқдор жиҳатдан конкретлаштирилган(аниқлаштирилган) бўлса, бу тизим олдида турган мақсад энди **вазифага** айланади.

Мақсадга, агар бошланғич мақсад яъна ҳам бир қатор содда мажмуаларга(мақсадлар йиғиндисига) ажратилган бўлса, яъни хусусий вазифачаларга, у ҳолда вазифаларни - қатор вазифаларни ечиш натижасида эришиш мумкин. Мақсад – бу тизимни идеал натижаси бўлиб, у келажакда тизим нима учун(нима истакда) яратилганлигини аниқлаб беради.

**Воқеаларни таърифловчи мутахассис (воқеаликдан яхши хабардор)** - муаммоларни шу соҳа технологиялари методлари ва нуқтаи назарларига мос ҳолда бирор соҳа воқеалигини таърифини ўрганувчи шу соҳани касб қилиб олган инсон. Бу дегани ушбу муаммони тор маънода қарайди дегани эмас, аммо бундайлар жуда тез-тез учраб туради.

**Тизимни (тизимдан яхши хабардор) таҳлил қилувчи инсон – юқори даражадаги ушбу соҳа мутахассиси (эксперт-текшириш ўтказувчи мутахассис), тизимни – тизимли ёндашув, тизимли таҳлил нуқтаи назаридан ўрганувчи яъни муаммоларни комплекс ўрганувчи инсон. Унга бошқалардан**

фарқли, улкан билимга асосланган етарли катта онг савияси ва тажрибаси, ақл омбори хос яъни бу - юқори даражада олдиндан кўриш интуициясига(ички сезгиси) эга, мақсадга мувофиқ заҳиралар билан таъминланган қарор қабул қилувчанлик қобилиятига эга инсон.

Унинг асосий вазифаси – воқеаликни таҳлил қилувчи мутахассисларга, бирор – бир воқеалик муаммоларини ечишда тўғри қарор қабул қилишига (бошқа тизимлар ҳақида ҳам билимга эга бўлган ва улар муносабатларини кескинлаштиrmайдиган) ёрдам беришдан ҳамда уларнинг қарорларини самарадорлик мезонларини очиб беришдан (кўрсатишдан) иборат.

Бундан бошқада, аналитиклар бирор мураккаб тизимни текшираётганларида қуйидагича тушунчаларга дуч келишади:

**Эмержентлик (эмержентностъ)** – тизимни ташкил қилган алоҳида элементлар хоссаларини бутун олинган тизим хоссаларига мос келмаслиги;

**иерархия** – мос сатҳ, бўлакдаги мақсадга етишнинг бир неча усул ва кўринишларининг мавжудлиги, бу ўз навбатида сатҳлар ичida ва сатҳлар, даражалар, бўлаклар ўртасида зиддиятларга олиб келади;

**агрегирование** – тизим бир неча параметрларининг (зарурий белги, мезонларнинг) яънада юқорироқ даражаларга (сатҳларга) бирлашиши;

**кўп функциялилик** – тизимнинг берилган тузилишида кўплаб функцияларни амалга ошиши қобилияти, бу тизимни эгилувчанлиги (тез мослашувчанлиги), мослашувчанлиги (кўникувчанлик), яшовчанлигига намоён бўлади;

**тез мослашувчанлик** – ост тизим ҳолатига ва мавжудлик шартларига мос ҳолда фаолияти мақсадини ўзгартириш хоссаси;

**кўникувчанлик** – фаолият шарти ўзгарганда, фаолият мақсадини ўзгариши хоссаси;

**ишиончилик** – берилган тизимни аниқ вақт интервали давомида қаралаётган фаолиятини тегишли-аниқ сифат параметрларида амалга ошириш хоссаси;

**хавфсизлик** – тизимнинг ўз фаолияти давомида атроф мухитга, шахсларга, техник обьектларга йўл қўйиб бўлмайдиган таъсирларни етказмаслик хоссаси;


**яшовчанлик** - тизим элементлари тўхтаб қолганда ёки бузилганда фаолияти мақсадини ўзгартириши қобилияти.

### Тескари алоқа

Тескари алоқа – тизимлар назариясининг фундаментал тушунчаларидан бири.

Тескари алоқага одатда 1.1-расмда келтирилган схемалар билан мисол келтирилади. Бунда  $x(t)$  – бошқариш қонуни ёки алгоритми (дастури);  $x_{T_3}$  – тартибга солинадиган параметрнинг талаб этиладиган қиймати

(“ўрнатма”);  $x_{\text{тр}}$  – тартибга солинадиган параметрнинг ҳақиқий қиймати;  $\Delta x - x_{\text{тр}}$  и  $x_i$  ўртасидаги мос келмаслик.



### 1.1-расм. Тескари алоқали тизим

Дастур. Бошқариш қонуни

Бошқариш объекти

Тескари алоқа блоки

#### *Тескари алоқа қуийдагича бўлиши мумкин:*

- *Манфий алоқа* – чиқиши параметри ўзгариши мойиллилигига қаршилик қилувчи, яъни параметрнинг талаб этиладиган қийматини (масалан, чиқариладиган маҳсулот миқдорини стабиллашга ва ҳоказолар) сақлашга, стабиллашга йўналтирилган;
- *мусбат алоқа* – тизимдаги чиқиши параметрининг юз берадиган у ёки бу ўзгаришилари мойилликларини сақлаётган (ривожланаётган тизимларни моделлаштиришда фойдаланилади).

Тескари алоқа тизимларнинг ўз-ўзини тартибга солиши, ривожланиши, уларнинг мавжуд бўлишнинг ўзгараётган шароитларига мослашувининг асоси ҳисобланади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб тизимлар ишлаши моделларини ишлаб чиқишида одатда уларда бир вақтнинг ўзида ҳам манфий, ҳам мусбат тескари алоқалар мавжуд бўлади. Бу тушунчалардан фойдаланишда хусусан *имитацион динамик моделлаштириши* асосланади.

### Тизимлар классификацияси

Классификациялар доим нисбийдир. Мисол тариқасида тизимлар классификациясининг энг муҳимларидан айримларини кўриб чиқамиз (1.1-жадвал).

## 1.1-жадвал

Классификацион белгилар	Синфлар (тизимлар)
Элементлар табиати	Реал (жисмоний) Абстракт
Келиб чиқиши	Табиий Сунъий
Мавжудлик давомлилиги	Доимий Вақтинча
Хусусиятларнинг ўзгарувчанлиги	Статик Динамик
Мураккаблик даражаси	Содда Мураккаб Катта
Муҳитга муносабат	Ёпиқ
Қўзғатувчи таъсирларга реакция	Актив Пассив
Хулқ-атвор характеристи	Бошқарув билан Бошқарувсиз
Ташқи муҳит билан алоқа даражаси	Очиқ Изоляцияланган Ёпиқ Очиқ мувозанатли Очиқ диссипатив
Инсонларнинг бошқарувчи таъсирларини амалга оширишда иштирок даражаси	Техник Инсон-машина Ташкилий

Тизими таҳлилнинг мақсади, тизим ичидаги, яъни тизимни ташкил қилувчи компонентлар ва уларнинг ўзаро таъсири мағзини чақиб, муаммонинг ечимини топишдан иборатdir.

Кўпчилик ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат маҳсулотлари бўйича қаралаётган муаммолар атроф муҳит ва энергетик муаммолар кўринишида бўлади. Экология, иқтисодиёт, таълим ва самарадорлик кўринишларини олади. Тизими таҳлил босқичлари қўйидагиларни ўз ичига олади: таҳлил қилинаётган тизим ва унинг мақсадини аниқлайди, тизимларни таниш учун уни абстракциялайди, компоненталар ўртасидаги ўзаро таъсирни излашлар корреляцияси орқали тавсифлайди, тизим унумдорлиги кўрсаткичини белгилайди, тизим базавий маълумотларини ва тизим ҳақидаги билимларни яратади, жараёнлар ва тизим ҳақидаги маълумотларни англаш учун тизим моделини ишлаб чиқади, тизим манзили ва унинг унумдорлиги масалаларини прогнозлаш моделини яратади, тизим характеристикаларини шакллантириш учун таҳлиллардан хуносалар чиқаради ёки қарор қабул

қилишни қўллаб – қувватлашни амалга оширади.<sup>3</sup>

Жаҳон савдо ташкилоти, қишлоқ хўжалиги савдо тизими; қишлоқ хўжалигининг ривожига ҳисса қўшадиган икки томонлама савдо шартномалари тузишлар; бунда озиқ-овқат бозорларида маҳсулотларнинг географик белгиларидан фойдаланилади; савдо – сотикда, соглиқни сақлаш ва озиқ – овқат хавфсизлик қоидаларига амаал қилинади, қишлоқ хўжалиги товар сиёсати ҳақида, иқлим ўзгариши қонуни ва унинг маҳсулотлар етиштиришга таъсири, қурғоқчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини касалликларига қарши курашиб ҳаммаси йиғилиб қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат маҳсулотларини етиштириш тизимини ташкил қиласди.<sup>4</sup>

**Қонуниятлар ва мақсад яратиш принципи.** Файласуфлар, психологлар, кибернетиклар томонидан ўтказиладиган мақсад яратиш жараёнлар тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш ва асослаш ҳамда мақсадларни таркиблаштириш жараёнларини кузатиш айрим умумий принципларни, қонуниятларни конкрет шароитларда шакллантиришга имкон берди, улардан амалиётда фойдаланиш самарали.

**Мақсад ҳақида тасаввурнинг ва мақсадни таърифлашнинг объектни билиш босқичига (жараёнга) ва вақтга боғлиқлиги.** “Мақсад” тушунчаси таърифларининг таҳлили мақсадни таърифлагандага мақсадни таърифлашда ёки мақсадни тасаввур этиш усулида асосий зиддиятни: мақсаднинг билишда, бошқаришда фаол ролини акс эттиришга ва шу билан бирга мақсадни реал қилиш зарурияти, унинг ёрдамида фаолиятни маълум бир фойдали натижа олишга йўналтиришга интилиш кераклиги ҳақида хulosса чиқаришга имкон беради. Бунда мақсадни таърифлаш ва мақсад ҳақида тасаввур объектни билиш босқичига боғлиқ ва у ҳақда тасаввур кенгайиши сайин мақсад қайтадан таърифланиши мумкин.

**Мақсаднинг ташқи ва ички факторларга боғлиқлиги.** Мақсадларнинг пайдо бўлиши ва таърифланиши сабабларини таҳлил этишда мақсадга тизимга нисбатан ташқи факторларни ҳам (ташқи талаблар, эҳтиёжлар, мотивлар, дастурлар), ички факторларни ҳам (тизимнинг ўзининг ва унинг элементларининг, мақсад ижрочиларининг эҳтиёжлари, мотивлари, дастурлари) ҳисобга олиш керак; бунда ички факторлар ташқи факторлар каби мақсадни яратиш жараёнига худди шундай объектив таъсир этувчи ҳисобланади (айниқса бошқарув тизимларида мақсад тушунчасидан

<sup>3</sup> Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2010

<sup>4</sup> Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd., 2015

ҳаракатга ундаш воситаси сифатида фойдаланилганда).

### **Назорат саволлари:**

1. “Тизим” тушунчаси таърифи.
2. Тизим, алоқа ва ташки мұхит элементлари тушунчаси.
3. Тизимнинг мұхит билан ўзаро алоқасини таърифлаб беринг.
4. Тизим ҳолати ва ҳаракати тушунчасини таърифлаб беринг.
5. Тизимнинг мақсади ва вазифалари
6. Тизим элементлари
7. Тизимнинг киришлари, чиқишлари ва ўтиш жараёнлари тушунчаси.
8. Тизимда жараён тушунчасини таърифлаб беринг.
9. Тескари алоқа принципи ва тушунчаси.
10. Тизим чекловлари.
11. Тизимларнинг белгилар бүйича классификацияси.
12. Таркибларни тасаввур этиш турлари ва шакллари.
13. Мақсад яратиш принциплари ва қонуниятлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валачич Ж.С. Современный системный анализ и проектирование. –США.: Пиарсон эдукатион, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа изходий уйи, 2014. – 73 б.
3. Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2010
4. Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd., 2015

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот: Аграр соҳада муаммони танлаш ва уни тизимли таҳлилини амалга ошириш. Қишлоқ хўжалигида инновация (2 соат)**

#### **Ишдан мақсад: Аграр соҳа муаммоларини тизимли таҳлил қилишни ўрганиш (инновация мисолида)**

1. Қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланишни ўрганиш.

2. Қишлоқ хўжалигида инновация тизимли таҳлил қилишни

3. Қишлоқ хўжалигида инновацион таваккалчилик(хавф) ва уларни бартараф қилиш йўлларини ўрганиш.

#### **1.1 Аграр соҳа муаммоларини ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш.**

Таҳлилга (жумладан тизимли таҳлилга) бугунги кунда фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қараб келинмоқда. Негаки, турли даражалардаги (тезкор, стратегик ва б.) бошқарувда таҳлилий фаолиятнинг маҳсули бўлмиш шарх, маълумотнома, изоҳ, ҳисбот, хабарнома, йўриқнома, мурожаатнома кабиларга ҳаётимизнинг турли соҳаларининг равнақини таъминлаш мақсадида мурожаат этиб келинмоқда. Таҳлилий фаолият маҳсули ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш жараёнини босқичларга ажратиб, ижобий ва салбий жиҳатларини белгилаб, бажариладиган галдаги вазифаларни аниқлаб олиш учун амалий хизмат қиласди. Бунда таҳлилнинг нисбатан мукаммал тури сифатида тизимли таҳлил алоҳида ўрин тутади.

Озиқ – овқат тизими олдида турган долзарб муаммоларни вақтида ечимини топиш, тўхтатиш жуда қийин бўлган қашшоқлик ва очарчиликни олдини олиш учун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва тизимда озиқ – овқат тақсимотини яхшилаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Хозирги пайтда глобал озиқ – овқат тизими дунё аҳолисининг озиқ – овқатга бўлган айнан бир хил талабини қондира олмайди. Дунёда баъзи бир маълумотларга қараганда тахминан 820 миллион атрофидаги одамлар очликда яшайди. Қандай ғалати бўлмасин, қишлоқ хўжалиги билан боғлик бўлган аҳолининг (далада ишловчиларнинг) озиқ – овқат хавфсизлиги жуда ҳам етарли эмас, яъни улар энг озиб – тўзиб кетган ва камбағал қатламни ташкил қиласди.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2010

Озиқ – овқат тизими инфраструктурасига одат бўлиб қолган муаммолар, бу муаммоларнинг асосий бош сабабларидан бири бўлиб шу қаторда буларга қуидагиларни ҳам киритиш ўринли бўлади: тоза ичимлик суви, уруғлар, энергия ва меҳнат қуроллари ҳамда ўғитлар заҳираларининг етарли эмаслиги.

Тупроқ структурасининг бузилиши ва мақсадга мувофиқ бўлмаган ишланмалар ёки ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ёмон капиталлашган тизими, ҳаттоқи кириш мақсадга мувофиқ бўлсаям самарадорликни тушишига олиб келади. Даладан бозоргача оралиқда қулай транспорт хизматларини йўқлиги, молиялаштириш ва ўзаро алоқаларнинг йўқлиги ва бошқа муҳим омиллар, ҳамма даража ва босқичларда озиқ – овқат тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Тингловчиларга ҳар кимга ўз йўналиши бўйича сунъий муаммоларни қўйиш ва улар ечимини излашни таклиф этилади ва баҳс мунозараларга чорланади. Яъни ғоялар генерацияланади ва энг самаралисини танлаш амалга оширилади. Агар соҳа муаммоларини ҳал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари кўриб чиқилади. Муаммони белгилаш жараёни амалга оширилади. Муаммони қўйиш ва қийинлиги даражасини чеклаш ўргатилади. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш усуллари кўриб чиқилади. Вазифани ечиш йулларини танланади. Моделлаштириш амалга оширилади. Стратегияни аниқлаш. Прогнозни амалга оширилади (масалан, олма дарахтини гуллаш прогнози). Натижалар ўрганилиб хуроса чиқарилади.

**Замонавий қишлоқ хўжалигини** инновацияларсиз ва замонавий технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мустақилликдан кейин ерга – она заминга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Замонавий фермерлик ташкил топди ва мустаҳкамланди. Замонавий фермер энди бу оддий деҳқон эмас. У юқори малакали, ер билан тиллаша оладиган етук мутахассис. У энди қайси ургуни қачон ва қаерга, қандай қилиб экишни, уни қандай парвариш қилишни тизимли таҳлил қила оладиган ўз касбининг устаси. Бу гапларни чорвачилик, паррандачилик соҳаларига ҳам bemalol ишлатиш мумкин. Агар соҳада инновация нима?

**Инновация** – илм - фаннинг энг охирги ютуқларидан фойдаланиб ушбу янгиликларни техника, технология, меҳнатни бошқариш ва ташкил қилишга кенг татбиқ этиш, ҳамда бу янгиликларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларига кенг қўллаш.

**Агар соҳага инновацияни қўллаш дегани** – бу янги техникалар, технологиялар, ўсимликларни янги навлари, ҳайвонларнинг янги насллари, янги ўғитлар ҳамда ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоя қилишнинг янги усуллари, ҳайвонларни профилактика қилишнинг ва даволашнинг янги

методлари, қишлоқ хұжалиги соҳасини молиялаштириш ва кредитлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ва бошқалар.

***Агросаноат мажмудасынан инновацияни құллаш қүйидагиларни ўз ичига олади:*** илмий текширишлар натижаси ўлароқ олинган янгиликтарни қишлоқ хұжалиги амалиётида құллаш, ўсимликтарни, ҳайвонлар ва паррандаларни янги нав ва турларини ишлаб чиқишини йўлга қўйиш, янги ёки ўта юқори сифатли озиқ – овқат маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқиш, ўсимликшунослиқда, чорвачилик ва паррандачиликда, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасида, иқтисодиётда турли хил бошқарув ва ташкилотчиликни амалга ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишларга янгича ёндашиш, самарадорлиги юқори ишлаб чиқариш техника ва технологияларини кенг жорий этишларни.

Фақат аграр соҳага хос бўлган инновациялардан бири бу **селекцион – генетик инновациядир**. Бунга ҳам амалий ҳам фундаментал текширишлар киради. ЎзР Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирлиги тасарруфидаги кўпгина илмий текшириш институтлари ўсимликлар генофондини кенгайтириш бўйича ва янги навларни яратиш устида кўплаб илмий текшириш ишларини олиб боришади ва боришмоқда. Бу ишларнинг маҳсули ўлароқ янги нав ва гибридлар яратилмоқда буларнинг ҳаммаси ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни тизимлаштиришга, тизимли таҳлил қилишга муҳтождир.

Ишлаб чиқариш технологик инновациялар – бу киритилиши керак бўлган янгиликлар келажакдаги илмий изланишлар натижаси бўлиб, шу қаторда селекцион – генетик ишланмалар бўлиб, буларни янги озиқ – овқат ва қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қўллаш, анъанавий маҳсулот турларини яхшилашга имкон яратади. Бундай инновация типларига маҳсулотларни биологик қимматбаҳо сифатини сақлайдиган ва кўп маблағ талаб қилмайдиган, ҳайвонларни боқиши ва парваришларни янги методларини, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини киритиш мумкин.

Аграр соҳа мустаҳкам ривожланиши учун амалий технологик текширишларни қўйидаги соҳаларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди: ер тузилиши, мелиорация, сув ва ўрмон хұжалиги, ўсимликшунослик ва ўсимликтарни ҳимояси, зоотехния ва ветеринария, қишлоқ хұжалигини механизацияси, қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш ва автоматлаштириш, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш.

Ҳозирги пайтда селекционерлар ва аграр соҳа бошқа йўналишидаги олимлар потенциалидан тўлиқ фойдалана оляяпмизми ёки фойдаланишимизга нималар тўскинлик қиласяпти. Албатта ушбу ва шунга ўхшашиб мувофиқлар асосли равишда таҳлилга муҳтож.

Масалан, ўсимликшунослик соҳасида кўп функцияли машина ва тракторларни яратилиши авваломбор кўл меҳнатини камайтиришга ва ҳосилни ўз вақтида нес нобуд қилмасдан йифиб териб олишга имкон берган бўлар эди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш мониторингини замонавий методларини ишлаб чиқиш эса регионлардаги фитосанитар ҳолатларни олдиндан айтиш (прогнозлаш) ўсимликларни касалликларга чалинишини олдини олишга имкон туғдирар эди. Мониторинг асосини қишлоқ хўжалиги ўсимликлари кушандалари кўпайиш динамикаси, улар хилма – хиллиги ва зааркунанда турларининг ўзгариш қонуниятлари, аниқ регионларда уларнинг пайдо бўлиш даврлари (графиклари) ва ривожланишининг ўзига хослиги ташкил этади.

Ўсимликлар ҳимоясини истиқболли йўналишларидан яъна биттаси – бу биологик ҳимоя воситалари(энтомофаг, энтомопатогенлар) билан анъанавий кимёвий ҳимоя восталаридан биргаликда фойдаланишdir.

Зоотехния ва ветеринария соҳасидаги инновацияда қуидагиларга эътибор қаратилса фойдадан ҳоли бўлмасди: янги генетик назорат методларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, селекцион жараёнларни бошқарувда, мавжуд чорва зотларини яхшилаш ва янги насл ва типларни яратиш, замонавий қишлоқ хўжалик чорвачилик линияларини қуриш ва ҳакозаларга.

Паррандачиликда энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш. Паррандаларни касалликларига қарши янги биологик препаратларни ишлаб чиқиш, талаб қилинган сифат параметрларига мос келувчи парранда гўшти ва тухумларни етиштириш экологик хавфсиз технологияларини яратиш.

Фермер хўжаликларининг замонавий техникалар билан таъминланганлиги аграр соҳа ривожланишини асосини ташкил қиласди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини оширади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги техникалари соҳасидаги янгиликлар, илмий текширишлар натижалари ва интенсив технологияларни аграр соҳага кириб келиши бу соҳадаги бошқа муаммоларни ечимини топишда ҳам асосий рол ўйнайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлашдаги инновацияларнинг асосий мақсади, умумий ва маҳсус вазифалар учун экологик тоза, рақобатбардош маҳсулотларни қайта ишлашдан ва уларни сақлашдан иборатdir.

Аграр соҳани мустаҳкам ривожлантиришда бошқарувда юзага келадиган таваккалчиликлар бўлади ва бу таваккалчиликни(хавфни) ўз вақтида тизимли таҳлил қилиб муаммони юзага чиқариш ва баҳолашга тўғри келади.

Инновацион таваккалчилик(хавф) – бу бирор мақсадни қўзлаб тикилган маблағни йўқотиш эҳтимоллигидир. Бунинг албатта ўзига хос сабаблари бўлади, масалан, янгилик киритиш жараёнида объектив шартларни ўзгарувчанлиги – ноаниқлиги ёки самарасиз менежмент натижаси бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инновацион – таваккалчилик (хавф) ни бошқариш – бу ушбу хавфнинг мумкин бўлган манбаларини очиш, молиявий йўқотишлиарни миқдорий баҳолай олиш, хавфли ҳолатларни олдиндан огоҳ қилувчи тадбирларни ишлаб чиқиш, инновацион хавфли ҳолатларни суғурта қилиш, янгилик киритиш жараёнига венчур капиталини жалб қилишни амалга ошириш учун баъзи бир амалларни бажаришни талаб қиласди.

Масалан, иқлим, об-ҳаво омиллари ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ва баъзи бир агротехник ва технологик амалларни ўз вақтида ўtkазилишига тўғридан – тўғри таъсир қиласди. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиб, сақлаш, қайта ишлашлар, маҳсулотларнинг энг аҳамиятли хусусиятларини узоқ вақт ўзгартирмасдан сақлаш ҳам биологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ.

1980 йилда Халқаро Қишлоқ хўжалик Савдо тадқиқот консортиуми (ИАТРС) нинг ташкил этилиши давлат органлари учун, шу жумладан, савдо сиёсатидан манфаатдор бошқа иқтисодчилар, билан ишлаш учун манфаатли мухитни яратди.<sup>6</sup>

Буларнинг ҳаммаси жорий ишлаб чиқаришда ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда, исталган натижаларни олиш эҳтимоллигини камайтиради. Бундай ноқулай шароитларда инновацион лойиҳа кутилганидан кам самара беради. Агар шу ва шунга ўхшаш муаммо ва ноқулайликлар олдиндан турли томонлама тизимли таҳлил қилинса кутилган натижаларга эришиш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида мамлакатимиз қудратини оширади, ташқариданимпорт қилинадиган маҳсулотларни камайтириб давлатимиз валюта фондини мустаҳкамлайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Муаммо деганда нима тушунилади?
2. Ҳар ким ўз соҳасига тегишли муаммони ўртага ташлаш таклиф этилади.
3. Инновация нима?
4. Аграр соҳада инновацияни қўллаш нима?
5. Аграр соҳада тизимли таҳлилни қўллаш афзалликлари қандай?

---

<sup>6</sup> Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd., 2015

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2015

2. Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd., 2015

## **2- амалий машғулот: Педагогик ва аграр соҳа фаолиятида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси. (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Педагогик ва қишлоқ хўжалигида юзага келган муаммоларини ҳал қилишда оптималь қарорлар қабул қилиш технологияси билан танишиш

1. Қарор қабул қилишда ахборот омили. Тегишли ахборотларни ва маълумотларни йигиш ва уларни таҳлил қилишни ўрганиш.

2. Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобиллиги билан танишиш.

3. Қарор қабул қилиш методларини ўрганиш ва моделларини шакллантиришни ўрганиш .

Тингловчилар билан педагогик(тингловчилар – аграр соҳага тегишли олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчилари) ва аграр соҳада қарор қилиш технологияларига тааллуқли турли хил тренинг ўйинлар ўтказилади. Масалан, ўсимликларни экишдаги схемалар ёки суғориш усусларига тегишли тренинглар. Ёки фермер хўжаликларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва истиқболларига тегишли қарорлар қабул қилиш.

Аграр соҳанинг ўзига яраша муаммолари мавжуд бўлиб, булар турли хил сабабларга кўра юзага келади. Баъзи бир жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг таннархи жуда баландлиги. Баъзи ҳолларда керакли норматив ҳужжатлар йўқлиги туфайли фермерларнинг дунё бозорига чиқа олмаслиги ва бошқалар.

XX асрнинг ўрталарида саноати ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган қишлоқ хўжалиги сиёсати ўрта ҳол фермер хўжаликлари маҳсулотлари учун жаҳон бозорларида шароитлар яратилди. Бу пайтда дунё бозорида асосий ўйинчилар АҚШ ва Европанинг қишлоқ хўжалиги

ривожланган мамлакатлари эди[1,2].<sup>7</sup>

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш нарх – навосини, бутун дунёда ошириш йўли билан уларнинг ҳаёт фаолиятини яхшилашга эришиш мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини савдоси бутун дунёда одамлар ҳаёт фаолиятини яхшилаш учун ғоят даражада келажаги порлоқ бўлиб кўринади, бу ҳақиқатда ҳам шундай бўлиши мумкин агарда савдо – сотик ҳаққоний ва эркин бўлса. Афсуски, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда давлат миқёсида коррупциянинг(порахўрликнинг) ҳаддан ошиши натижасида озиқ – овқат норматив асослари ишламайди, озиқ – овқат норматив асослари ва қонунларнинг йўқлиги, тизимда керакли ишларни амалга ошириш учун инсон ва молиявий заҳираларнинг етишмаслиги ёки озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун самарали қонун – қоидалар тизимини ва мажбуrlаш сиёsatини тадқиқ қилишга сиёсиё ирода етишмаслиги мавжуд муаммоларни ечимини топишга тўсқинлик қилади. Шунга қарамасдан импортни алмаштирадиган маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш дунёнинг катта қисмидаги мамлакатлар олдида турган ечимини кутаётган энг долзарб муаммо бўлиб агарда мамлакат бозорларида коррупция кучли бўлса, мамлакатда овқатланиш тизимини бошқариш ишончли қўлларда бўлмаса ва бозорга ишонч бўлмаса, бу ишларни ечимини топиш ишларини тезлаштириш жуда қийин бўлади. Бундай ҳолларда ўз вақтида ижобий қарорлар қабул қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Кўриниб турибдики, қарор бу бирор муаммони баратараф этишга, педагогик ёки соҳада оқсаётган бирор-бир жараённи такомиллаштиришга қаратилган ёки тавсия этилган ечим вариантлари қаторидан мақбулини танлаш ҳолатидир. Шу сабабли бўлса керакки, ушбу жараёнларни бошқарувини амалга ошириш учун қабул қилинадиган қарорларга бир қатор талаблар қўйиладики, бу талаблар бошқарувни амалга ошириш давомида натижага эришишни (таълим сифатини) таъминлашга йўналтирилган бўлади. Уларнинг муҳимларини кўрсатиб ўтамиш:

- қарор илмий асосланган бўлиши шарт. Яъни, педагогик жараённи бошқарувини амалга ошириш учун қабул қилинадиган қарор, жорий педагогик ҳолатни ўлчов бирлигига эга бўлган усуслар воситасида ўрганиш натижасида қўлга киритган ахборот асосида тайёрланиши шарт. Бунда, илмий, маданий, иқтисодий, техникавий, хуқуқий, миллий ва бошқа қонуниятларнинг амал қилиши ҳисобга олинган бўлиши лозим;

---

<sup>7</sup> Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd.,2015

## **1. Қарор қабул қилишда ахборот омили.**

Қарор қабул қилиш тушунчаси. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Қарор қабул қилувчи шахс. Муаммо ва қарорни алоқадорлиги. Қарор қабул қилишда манфаатлар ва лобби групкалар. Қарор қабул қилишда ресурсларни түгри жалб этиш.

## **2. Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобиллик.**

Қарор қабул қилишда муқобиллик. Мустақил ва мустақил бўлмаган муқобиллик. Қарор қабул қилиш меъзони тушунчаси. Меъзонлар бўйича баҳолаш. Микдорий ва сифатий баҳолар шкаласи. Бошқарув жараёнида қарор қабул қилишнинг роли. Қарор қабул қилиш вазифаларининг мазмуни. Муаммо. Низо. Тўғридан-тўғри музокаралар. Келишув тартиблари.

## **3. Қарор қабул қилиш метод ва моделлари билан тингловчиларни таништириш.**

Ноформал, Микдорий. Жамоавий усуллар. Интуитив усул. Адаптив усул. Натижалик. Амалийлик. Тежамлилик. Вақт омили. Назарий, вербал ва схематик моделлар. Конвергенсия жараёни. Моделлаштириш ва прогноз.

### **Назорат саволлари:**

1. Қарор қачон қабул қилинади?
2. Қарор қабул қилиш турлари.
3. Қарор қабул қилишда жамоавий усулнинг афзаллиги?
4. Қарор қабул қилувчи шахс?
5. Агар соҳада қарор қабул қилишнинг тизимли асослари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2015

2. Farm Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd., 2015

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ



### Вазиятли масалалар!

1. Тошкент давлат аграр университетида түлов контракт асосида тахсил олувчи талаба Махмудов мазкур университетда бўлиб ўтаётган баскетбол турнирида ўз факультети шарафини химоя қилаётган пайтда қаттиқ тан жарохати олди.

#### Кейс юзасидан саволлар:

1. Ушбу ўринда талаба билан университет маъмурияти ўртасида қандай муносабатлар вужудга келади?

2. Мазкур вазиятдан келиб чиқсан ҳолда масалани ҳал қилиш йўлларини ёритинг?

2. Тошкент шаҳар Чилонзор ҳокимлигига қарашли ошхоналар трести фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи А.Сайдовга трест билан гўшт етказиб бериш бўйича шартнома тузишни таклиф қилди. А.Сайдов эса бундай шартнома туза олмаслигини, яъни у худди шундай шартномани «Лочин» фирмаси билан тузганлигини айтади. Лекин трест маъмурияти ҳокимликка айтиб, А.Сайдовга ижарага берилган ерни олдириб уни фермерлар рўйхатидан чиқариш қудратига эга эканлиги билан қўрқитади.

#### Кейс юзасидан топшириқлар:

1. Фермерлик фаолиятини тартибга солувчи қандай қонун хужжатларини биласиз?

2. Шартнома тузиш тартиби бўйича ҳаракатлар кетма-кетлигини белгиланг?

3. Мазкур вазиятни қандай баҳолайсиз ва Сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Жадвални тўлдиринг:

Вазият тури	Вазиятнинг	Мазкур вазиятда
-------------	------------	-----------------

	<b>келиб сабаблари</b>	<b>чиқиши</b>	<b>Сиз қандай қарор қабул қиласиз</b>
--	----------------------------	---------------	---


3. Фуқаролиги бўлмаган Д. исмли шахс, мустақил илмий изланувчи Сайдовнинг тажриба участкаси экинзоридан ўз машинасини ҳайдаб ўтди ва Сайдовга моддий зарар етказди ҳамда унинг илмий изланишларини орқага суреб маънавий зарар етказди. Судда Д. исмли шахсни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан жавобгарликка тортишмоқчи бўлганда у ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси билан

жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини айтади.




**Ушбу масалани ечимини топинг? Д. исмли шахснинг талаби тўғрими?**

4. Фермер хўжалиги тугатилиб, моддий бойликларни - меросни бўлишда фермер хўжалиги аъзолари келиша олмай судга мурожаат қилишди. Судда фермер хўжалиги собиқ раиси ўз сўзида қолган барча мол-мулк ўзига тегишли эканлигини яъни у фермер хўжалиги ташкил қилинаётганда жонбозлик кўрсатганини айтди.



**Раиснинг гапларини суд инобатга оладими? Масалани одат хуқуқи нормаларига асосан ҳал қилинг?**

5. Қишлоқ Сервис-холдинг хизматга тегишли магазиндан фермер хўжалиги трактор ва культиватор агрегатини сотиб олди. Кейинчалик фермер хўжалиги томонидан ўзига белгиланган сифат ва артикулдаги культиватор агрегатлари тўлиқ топширилмаганлигини билди. Бўлиб ўтган ушбу хуқуқий муносабатда фермер хўжалигига товарлар чеки ва тегишли ҳужжатлар берилган эди.



**Ушбу ҳолат бўйича фермер хўжалиги ўзининг бузилган хуқуқини бевосита ўзи ҳимоя қилиши мумкинми? Юридик хуқуқларни ҳимоя қилиш усусларини шарҳланг?**

6. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талabalарнинг тўлов шартномаси ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқчи ва университет маблағларини шу тариқа оширмоқчи бўлади.

Маблағларни тадбиркорликка йўналтириш тўғрисидаги бу масала университетнинг илмий кенгашида мухокама қилиниб ижобий хал қилинади. Университет 100000000 миллион сўмлик маблағини автомашина сотиб олиш ва уни ижарага беришни маъқул кўрадилар. Автомашина ижарасидан тушган маблағ университетни жорий таъмирлаш, компьютер, ксерокопия, кондиционерлар олишга сарфланади. Йилнинг охирида университет сарф ҳаражатлари Давлат мулк қўмитаси томонидан тафтиш қилинганда университетнинг талабалар контрактлари ҳисобидан тадбиркорлик олиб боришга ҳаққи йўқлигини шу сабабли олинган барча мол-мулклар давлат ҳисобига ўтказилиши лозимилиги тўғрисида қарор чиқарди ва университетни судга берди.

 **Бу масала бўйича суд қандай қарор чиқаради?**

7. Ҳуқукий базанинг мустахкамлиги, иқтисодий салоҳиятнинг мавжудлиги давлатга чет эл инвестицияси кириб келишини асосий омилларидир. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолотлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги, «Конвенциялар тўғрисида»ги қонунларга биноан, чет эл сармоясининг мамлакатимизда эркин айланиб юриши ва қайтиб чиқиб кетиши учун давлат асосий кафил ҳисобланади.

Ўзаро шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси томони мажбуриятларни бажармаса ёки лозим даражада бажармаса фуқаролик ҳуқукий жавобгарлик масаласи қандай хал қилинади?

 **Давлат иммунитети нима? Нима учун халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ тизимидан устивор саналади?**

8. Узок муддатга сафарга кетаётган Комиловлар оиласи қўшниси А.Номозовга уйига ва молларига қараб туришни илтимос қилиб ва бунинг учун ҳаққини тўлашларини айтиб сафарга кетишади. А.Номозов қўшнисининг молларига ем хашак олиш мақсадида унинг уйидаги айrim мол-мулкларни сотади. Сафардан қайтиб келган Комиловлар оиласи сотилган мол-мулкларни қайтаришни агар қайтармаса судга мурожаат этишларини билдирадилар. А.Номозов эса молларга беришга ем-хашак қолмаганлиги боис бу ишни амалга оширганлигини аксинча бўлганда бундай ҳаракат қилмаслигини, келишув бўйича унинг уйига ва молларига қараб турганлиги учун ҳақ тўлашларини сўрайди. Ушбу низо бўйича тарафлар судга мурожаат қиласидилар.

 **Бу муаммо қандай хал қилинади? Вакилнинг ҳаракатлари тўғрими?**

9. Фуқаро Мустафоев 2010 йил 1 майда чет элга хизмат сафарига кетиши муносабати билан ўзига қарашли «Матиз» автомашинасини фуқаро Суннатовга ижарага қолдиради. Ундан ойига 100000 сўм ижара ҳақи олиб туриш учун фуқаро Шотурсуновга ишончнома беради. Фуқаро Мустафоев 2011 йил 1 ноябрда сафардан қайтиб келади ва Шотурсуновдан ўтган давр учун тўланган ижара ҳақини беришни сўрайди. Шотурсунов Мустафоевга 2010 йил 1 майдан 2011 йил 1 майгача бўлган ижара суммасини тўлайди. Бироқ, Мустафоев Шотурсуновдан қолган 6 ой учун ҳам ижара ҳақи беришини талаб қиласди.

 **Ушбу масалани хал қилинг?**

10. Тошкент шаҳар Юнус-обод тумани “Куёш батареялари” ишлаб чиқарувчи компанияга қарашли фермер хўжалигини муқобил энергия манбаси билан таъминлаб берган – фермерлик билан шуғулланувчи Ҳамидовга ишчиларини арzonроқ ва сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни сўралганида фермер Ҳамидов сут маҳсулотларини музқаймоқ ишлаб чиқарувчи “Музқаймоқ” фирмаси билан шартнома тузганини ва бу ишни қилолмаслигини айтди. Аммо компания Ҳамидовга енгилликлар асосида берилган муқобил энергия станциясини қайтариб олишни айтиб огоҳлантирди.

**Кейс юзасидан топшириқлар:**

- Фермерлик фаолиятини тартибга солувчи қандай қонун ҳужжатларини биласиз?**
- Шартнома тузиш тартиби бўйича ҳаракатлар кетма-кетлигини белгиланг?**
- Мазкур вазиятни қандай баҳолайсиз ва ушбу вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз? Жавобини тўлдиринг:**

<b>Вазиятнинг тури</b>	<b>Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутасиз</b>

11. Фан техника ривожланиб ҳозирги пайтда энергия тежамкор

лампалар ишлаб чиқариласпти. Лекин таёқнинг икки учи бўлгани каби уларнинг ҳам зарали томонлари бор. Иккинчи томондан чулғамли лампалар чўнтакга қаттиқ зарба беради. Лекин ечими топилмайдиган нарса бўлмаса

керак.

→ **Ушбу муаммо бўйича сизнинг фикрингиз? Энергия таъминоти бўлимларига ва савдо нуқталарига қандай таклифлар берган бўлардингиз?**

12. Нима сабабдан Ўзбекистон шароитида Қуёш батареяларини ийғишда стандартдаги 36 та Қуёш элементи ўрнига 42 та Қуёш элементидан фойдаланилади.

→ **Ушбу муаммо бўйича сизнинг фикрингиз? Муаммонинг туб моҳияти нимада? Илмий тарзда исботлашга харакат қилинг.**

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- тингловчининг касбий фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда (агроном, ипакчи, агронженер, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки сақлаш ва қайта ишлаш мутахассиси ва ҳ.к.) ўқув – тажриба майдонларидаги, чорвачилик фермаларидаги, трактор – машина ишлаб чиқариш парклари соҳаларидаги муаммоларни етарли даражада ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Тизимли таҳлилни юзага келиш тарихи.
2. Қишлоқ хўжалида (йўналишлар бўйича) юзага келадиган муаммолар ва уни ечиш усуслари.
3. Тизимли таҳлил методологияси.
4. Қишлоқ хўжалиги муаммоларига тизимли ёндашув.
5. Комплекс ёндашув ва унинг тизимли ёндашувдан фарқи.
6. Таълимда тизимли таҳлил.
7. Қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли таҳлилни кўллаш (йўналишлар бўйича).
8. Моделлар ва моделлаштириш.
9. Бошқарувда шу жумладан қишлоқ хўжалиги бошқарувида тизимли таҳлил.
10. Тизимли таҳлилнинг этаплари.
11. Тизили таҳлил ва унинг элементлари ҳамда хоссалари.
12. Тизимли таҳлилни мақсади ва вазифалари.
13. Тизимли таҳлил ҳақида умумий тушунча.
14. Тизим, алоқа ва ташқи мухит элементлари
15. Тескари алоқа принципи
16. Тизимларнинг белгилар бўйича классификацияси.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Бирлашиш</b>	Умумий функционал масалалар чегарасида тизим таркибий қисмларининг бирлашиши	<b>Aggregation</b> The merger of the components in the system general functional border issues
<b>Мослашув</b>	кенг маънода тизимнинг муҳит шароити ўзгаришларига: муҳитдан чиқаётган ва тизимга таъсир қилаётган тўсиқларга, мослашиши	<b>Adaptation</b> in a broad sense to change the conditions of the system environment: the environment that affect the system are out of and barriers to adaptation spark
<b>Декомпозициялаш</b>	тизимни ўрганиш ва лойиҳалашда уни бўлакларга ажратиш	<b>Decomposition</b> learn the system and divide it into pieces in design
<b>Ҳаёт жараёни бўйича декомпозициялаш</b>	тизим яшаши жараёнининг турли хил босқичларида туғилишдан то ўлгунча ост тизим мавжудлик қонунларининг ўзгариши	<b>Decomposition of the life cycle</b> on behalf of Yash thisim tour to the East stimulates the connection will be basicload turistan honouring sharesi of Tsim careening hee
<b>Физикавий жараён бўйича декомпозициялаш</b>	ҳолат босқичлари ўзгаришида ост тизим яшаши алгоритмининг бажарилиши қадамлари	<b>Decomposition by physical process</b> the stage of the condition change step of the implementation of the ost algorithm in the dwelling system
<b>Бирор нарсани ҳал қилишдаги ваколати</b>	қарор қабул қилишда бир қисм функция ва хуқуқларини пастдаги бошқарув тизимида бериш	<b>Delegation of authority</b> give decision-making rights to the management system and the underlying function of a part of
<b>Мақсадлар дарахти</b>	умумий мақсадларни ост мақсадларга ва уларни яъна ҳам майда аниқ ташкил этувчиларга (янги ост мақсадлар,	<b>The purpose of the tree</b> them ost common goals objectives and specific components are also finely ya'na (ost new goals, and head features.) the way to be tak-

	функциялар ва бош.) бўлиш йўли билан олинган иерархик тузилишдан фойдаланиш	en with the use of structure has been shaped by secular
<b>Таҳлилнинг мақсади</b>	тизим ёки тизимни ўраб турган муҳитнинг турли хил хоссаларини топиш	<b>The discrete controlled system</b> find the system or the different texture of the surrounding environment
<b>Декомпозициянинг мақсади</b>	тизимни жуда кўп майда элементлардан тузилган ост тизим кўринишида тасаввур қилиш	<b>The decomposition of goals</b> too many tiny elements of the system the system is structured from ost to imagine in view of
<b>Монте-Карло методи</b>	Аналитик масалаларни ечимини топишда эҳтимоллик характеристикалари - мос тушадиган тасодифий катталикларни ва функцияларни моделлаш учун қўлланиладиган хисоб методи	<b>The Monte Carlo Method</b> Find solutions to analytical issues, as well as characteristics of the probability - functions of random sizes that fit the model and the method is applied to the account of
<b>Моделлаштириш</b>	модел тузиш, уни хоссаларини ўрганиш ва олинган маълумотларни моделлаштирилаётган тизимга кўчиришни ўз ичига олувчи реал тизимни текшириш жараёни	<b>Modeling</b> tesis, models, models of real and Ichigo in Hosseini UN rganic olingan tizimga Ciresi s the recipient system, garaen
<b>Модель</b>	андайдир маънода прототип(тимсоли) га ўхшашикга эга бўлган ва бу прототипни ўзини тутишини таърифлаш ёки тушунтириш ёки прогнозлаш(олдиндан айтиш) объекти	<b>Model</b> a prototype means antyder user (image) and the definition E. ha ha or WB or heslinga prototype sini tutisani, explanation, prognoses(, itis) object

<b>Децентрализация принципи</b>	бошқарув функцияларини бир қисмини бошқарув ташкилотларидан ост тизимларга бериш	<b>The principle of decentralization</b> ост management system management functions from organizations to give a part of
<b>Бирлик принципи</b>	тизимни бир бутун ва бўлаклар(элементлар) йифиндисидан иборат деб қараш	<b>The principle of unity</b> system and pieces of a whole(elements) than the sum of that look
<b>Иерархия принципи</b>	ост тизимларни улар функцияларининг муҳимлигига қараб иерархик сатҳлар бўйича тақсимоти тузилиши	<b>The principle of hierarchy</b> they function in the system оst important levels depending on the structure of the distribution ierarxik
<b>Охирги мақсад принципи</b>	охирги (глобал) мақсаднинг абсолют устунлиги	<b>The principle end goal</b> the last volume (global) mashining ustunlik absolutely free
<b>Ноаниқлик принципи</b>	тизимдаги тасодиф ва ноаниқликларни ҳисобга олиш	<b>The uncertainty principle</b> in the system account of chance and uncertainty
<b>Тизим</b>	аниқ бутунлик (яхлитлик) га эга бўлган элементлар мажмуй ва улар ўртасидаги боғлиқлик	<b>System</b> exactly we have the integrity (integrity) to have the elements of a set and the relation between them
<b>Тизимли таҳлил</b>	алтернативларни миқдорий солиштириш ва тизим тузилишига асосланган муаммони ечимини топиш методологияси	<b>System analysis</b> comparison of alternative quantitative methodology, based on the composition of the system and to find a solution to the problem
<b>Тузилиш</b>	тизимни ташкил қилган элементлар ва улар ўртасидаги алоқалар мажмуй(тўплами)	<b>Structure</b> a set of elements and relations between them that make up the system(collection)
<b>Мақсад</b>	тизим мавжуд бўлган аниқ вақт оралиғида	<b>Genera</b> available in a range of situations or circumstanc-

	эришиш мүмкін бўлган вазият ёки холатлар соҳаси	es that can be achieved within certain time the system area
<b>Фуқаролик</b>	шахс ва давлат ўртасидаги қатъий характердаги сиёсий-хуқуқий алоқаки, унинг натижасида улар ўртасида ўзаро хуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади	<b>Nationality</b> needless political and legal relations between the individual and the state strictly in character, as a result of the reciprocal rights and obligations between them comes in the form of his

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Systems analysis and modeling in food and agriculture. Catherine Cantley, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, Department of Agricultural and Biological Engineering, Purdue University, USA Juming Tang, Department of Biological Systems Engineering, Washington State University, USA Barbara Rasco, Department of Food Science and Human Nutrition, Washington State University, USA Lester A. Wilson, Department of Food Science and Human Nutrition, Iowa State University, USA, 2015
2. Policies and World Markets. 2015 by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd.
3. Илмий тадқиқот методологияси. – Т., 2014
4. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
5. Самаров Р. Ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари // Ж. Мухофаза +, 4 – сон, 2011 (78). – Б. 4-5.
6. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. - Тошкент: Akademiya, 2010. - 256 б.
7. Самаров Р., Садриддинов С. Миллий тараққиёт такомиллашувининг илмий асослари (Сиёсий ташхис мисолида) // Ж. Мухофаза +, 11 – сон, 2011 (85). – Б. 6-7.
8. Самаров Р.С, Раджабов А.. Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент 2010. - 176 б.
9. Бўтаев У.Х. Сиёсий тизим ва таҳлил (Ўқув қўлланма). Т.: “Ўзбекистон”–2012.
10. Бўтаев У.Х. Таҳлилий фаолиятни такомиллаштиришнинг технологияси. //Ж. Таълим муаммолари, 2012 йил, 4 сон.
11. Самаров Р., У.Бўтаев. Тизимли тадқиқотларда сиёсий прогноз ва унинг технологияси. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect. Materials of the international scientific conference on May 13–14, 2014. Prague 2014. P.25-27.
12. Butaev U. Political system — guaranteeing factor of security. 9<sup>th</sup> International scientific conference “European Applied Sciences: modern approaches in scientific researches” 31th March 2014 Stuttgart, Germany. c.123
13. Бўтаев У. Барқарорлик тушунчасининг талқини ва таҳлили.//Ж. ЎзМУ хабарлари, 2015 йил 1/2-сон. Б. 91-94.